Мелиорация – бу техникавий ва хўжалик –ташкилий тадбир бўлиб, ховузларни тубдан яхшилашга йўналтирилган ҳамда атрофдаги ҳудудни тозалаб, ўстириляётган балиқлашга керакли шарт – шароитлар яратишдан иборатдир.

Мелиоратив тадбирлардан- доимий тубдан ташкиллаштирилган ховузларда барча ишлар техникавий воситаси ёрдамида ишлаб чиқариш бошқарилади ва ҳар қандай вазиятда бу ховузларни реконструкция қилиш мумкин.

Гидробалиқлойиха маълумотига кўра мавжуд хўжаликлардан тахминан 1/3 қисми XX асрнинг 60 йилларда кучга кириб ўз режалари асосида маҳсулот бериш ўз режалари асосида маҳсулот бериш кўрсаткичларига эришилмоқда.

Экологик мелиорация – ҳар хил зонадаги зичлигини чуқурлигини аниқлашда оптимал даражадаги балиқларни таннархини тушуришда ва капитал таъмирлаш ва самарадорлигини орттиришда муаммодир.

Зоналараро ёндашишида шу нарсага аниқлик киритилдики: ховузнинг оптимал чуқурлик даражаси балиқларнинг зичлик ҳолати ҳисобга олиниб, шомолнинг кучи, тулқиннинг узунлиги ва ҳорорат T° омиллари. Шундай қилиб ўрмонли ҳудудлардаги ховузларда 1.4-1.5 м, ўрмон –дашт ҳудудларида 1.5-1.8 м ва чўл ҳудудларида эса 1.8-2.0 м тенг бўлиши керак.

Ҳозирга давр балиқчилик шароитида, катта хажмдаги балиқларнинг ховуздаги зичлиги ва озикланиши муҳим аҳамий сувнинг технологик омилларига боғлиқ.

Ховузларни тозаланиш ва кислород таркиби билан таъминлашниш қобилиятига, аниқлаш мумкинки, келажакда балиқчилик махсулотини ишлаб чиқариш жадал равишда тус олиши табиий кутилмоқда деб хилоса қилинади.

Экологик мелиорациянинг келажакдаги усулларидадан – бу ховузларда керакли миқдорда кислородлик даражасини ва сунъий аэрацияни таъминлашдир.

Балиқчилик хўжаликларда келажакда аэрациялаш турига оддий тоза кислород қўллашдан иборат. Ховузларни кислород билан бойитса, оқибатда у ерда балиқлар учун озуқа захираси ҳам кўп булиб, фитопланктонлар ривожланиши ортиб боради ва ховузларга шу билан бир қатор минерал ўғитлардан фойдаланилгач – биологик аэроциялаш содир бўлади.

Агротехник мелиорация – бу ховузларни тозалаш, текислаш, ўсимликлар билан курашиш, қайта ишлаш ва қуритиш ишлари билан боғлиқ.

Майдонларни ва ховузларни тозалашда (буталар, дарахтлар, илдизлар, шохлар ва ҳар хил ўсимликлар) корчовка агрегатидан МП-8, ММ-12 ва балчиқланишдан тозалашда – эксковатор , булдозер, рачок, скрепер ва шунга ўхшаш бошқа техникалардан фойдаланилади. Ховуздаги ҳар хил ўсимликларни йўқотиш ва тозалаш учун ЭЗОКС-3, ВМЖ-200 ёки КП-0.7 ва АСК -2 қўлланилади.

Чунки ховузларни талаб бир муддатга уни қуёш кузгида куйдириб, кейин ҳар хил балиқлар хўш кўрадиган ўсимликлардан экиб ўғитлаб қўйса, кейинги йилларда албатта балиқ маҳсулдорлиги ортиб кўпайиб бориши бу табиий ҳолдир. Ховузларда ҳаддан зиёт ўсимликлар кўпайиб кетса, ўзимизнинг маҳаллий ўрдакларидадан яйратиб боқилади ва ўсимликлар яна ўз миқдорига қайтади.

Ховузларни биологик мелиорация тадбири бу балиқ ховузларини экологик шароитига қаратилган бўлиб, ҳар хил ортиқча ва бегона ўтлардан тозалаш, майда ховузларни ифлослантирувчи ёввойи ва йиртқич балиқлардан тозалаш ҳамда балиқларни кассацияланиш профилактикасини ташкил қилишдан иборатдир.

Ховуз балиқчилигида асосий ишлардан бири – ховузларни ифлослантирувчи дайди майда балиқлар (пескарь, краснопёрка, плотва, карась, верховка, окунь ва бошқалар) билан курашишдир. Бундай ҳолатларда кўпгина илғор балиқчилик хўжаликлари биологик мелиоратлардан, яхни йиртқич (судак, чуртан, лаққа) балиқлардан фойдаланадилар.

Бир йиллик карп балиқлари билан 1 йиллик судак ва чўртан чавақларини ховузларга 100-250 дона/га ҳисобидан олади.

Ўсимликлар дунёси билан курашишда эса оқ амур балиқларидан биологик мелиорация сифатида фойдаланилади, шунда 450-500 дона/га ҳисобида олинади.

2. Балиқчилик ховузларини ўғитлаш назарий жиҳатдан жадаллаштириш ва маҳсулдорлик хусусиятини ишлаб чиқаришдир.

Ҳозирги шароитда балиқ маҳсулотини ишлаб чиқариш технологиясини жадаллаштиришда махсус ўғитлардан фойдаланиш фойдадан холи эмас. Бундан ташқари тўла қимматли ва тўйимли концентрат озуқаларни камайиб кетиши сабабли ховуздаги бойитилган ўсимликлар гидроблантларидан фойдаланиш керак бўлади.

Балиқчилик ховузларни унимдорлигини ошириш ва балиқ маҳсулотларини кўпайтириш учун минерал ўғитлашдан (азот, фосфор, ва б.қ лар) фойдаланилади. Бироқ ховузларда бу ўғитларни таъсир қилиш маҳанизми мураккабдир.

Фосфорли ўғит жуда яхши самара бериб, 30 кг фосфорли кислотани 1 га ховуз майдонига сепилади. Бу ўғит ховуздаги юмшоқ сув ўтларини

ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Ўғитланган ҳовузнинг маҳсулдорлиги кўрсаткичи 20-60 % ўғитланмаган ҳовузларга нисбатан ортади.

Фосфорли ўғитни сепишдан олдин уни идишда сув олиб эритиб тайёрлаб олинади ва қайиқ орқали бутун ҳовуз бўйлаб сачратиб, сепиб ёки пуркаб чиқилади.

Супперфосфат ўғитини ҳовузга тахир модда билан тахминий биринчи бор ҳовузни оқланганидан кейин сепиш мумкин.

Азотли ўғитдан амиак селитрасидан қўлланилади. Уни мавсум бўйича бир маротаба 1 га майдонга 20-25 кг тақсимланади. Супперфосфат ва амиакни селитра ўғитини ўстириш ҳовузига биринчи марта балиқлари ўтказишдан 10 кун олдин сепилиб кейин, яъни навбатдаги ўғитлаш балиқларни ўтказиб 10 кундан кейин сепиш мумкин.

Амиакли селитрани 1 га ҳовузга 20 кг, 1 м чуқурликда сепади ва бутун бир ёз давомида 1 га майдонга 1 м³ сувга 180 кг тўғри келар экан. Фосфор ўғити эса 1 м³ сувга яъни 1 га ўстириш ҳовузига 2 кг фосфор, демак мавсум – 3 ой бўйича 18 кг фосфор тўғри келади.

Ҳозирги вақтда баъзи бир тупроқларнинг унумдорлигини паст жойларга ўғитлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Органик ўғитларга асосан уй ҳайвонларининг гўнги (қорамол, қўй, йилқи, чўчка, товук) бир неча вақт сақлангани бўлса, бундай гўнлар ҳовуздаги ўсимликларни озиқлантириш учун эмас, балки балиқлар ҳамда ҳар хил сувдаги организмларни (гидробионт) озиқаси сифатида ҳам фойдаланилади. Бу органик ўғитлар ҳар қандан усулда, яъни уни шарбат сифатида ҳам ҳовузларга қўлласа бўлади. Шунинг учун бизнинг тупроғимиздан ҳовузларга 1 га майдонга 10-15 тонна гўнг сепиш тўғри келади.

Ривожланган ҳорижий Польша, Чехия, Словакия ва Германия мамлакатларида органик ўғитларни хайтасига 2 – и ц/га шарбат сифатида

оқизиб фойдаланишни тавсия қиладилар. Айниқса ўстириш ҳовузларига чўққанинг гўнгидан 1 ц қўшимча тарзда сепилса, ҳовузлардаги балиқлар маҳсулдорлигини 2.5 -3.0 кг ортади. Шундай маълумки бу органик (гўнг) ўғитлар нафақат ер устидаги экинлар учун, ҳаттоки сувдаги ўсимликлар, майда организмлар ҳамда балиқларнинг ўзи учун ҳам озиқа сифатида хизмат қилар экан.

Кўпгина ҳолларда ҳовузларни сувларини оқизиб, тозалангандан сўнг кейинги сув қўйгунга қадар ҳовузларга гўнглари ёйиб, ўзининг намлиги ва ёғингарчилик туфайли тушган сувлар натижасида бу гўнглари ҳовузларда аста секин ер сатҳига синга бошлайди.

Ўстириш ва яйратиш ҳовузларда кўп ўғитлардан фойдаланиш жуда катта самара бериши олимлар томонлама изланиб, ўрганиб ва амалда ўз ишботини топмоқда.

Балиқчилик хўжаликларнинг шароитидан ва экологик ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, комплекс ўғитлардан, яъни органик ва минерал ўғитлардан бирданига қўлланиш ҳам жуда катта (эфект) самара беради.

Ҳозирги кунда ҳовузларнинг рН ишқорийлик таркибини пасайтириш йўллари ишлаб чиқиш муаммоли дастур бўлиб, фақат мелиорация йўли билан ва кимёвий усул билан ҳал қилинади. Чунки ҳовуз балиқчилигида энг муҳим вазифалардан бири ердаги кислородни таркибини сувда бойитишдан иборат.

3. Ҳовуз балиқчилигида маҳсулдорликни оширишда жадаллаштиришнинг асосий усулларида бири балиқларни озиқлантиришдир.

Балиқларни ўстиришда умумий технологик жараён ичига озиқалардан рационал фойдаланиш олдимизга қўйилган долзарб масалани ҳал қилиш билан баробардир.

Ховуздаги о уқаларни бошқа бегона дайди балиқлар нафақат озиқа, хаттоки балиқ личинкалари ва балиқ чавоқларини еб қўймасликлари учун, улардан ховузни муҳофаза қилиш лозимдир.

Ховуз балиқчилигида озиқа рационини меёрлаштириш мураккаб савол бўлиб ҳозиргача бунга аниқлик киритилмаган.

Озиқалар ўзининг тавсифига биноан бир неча классификациядан иборат: булардан ўсимлик ва ҳайвонотдан тайёрланган, омухталанган (комбинированный) минерал қўшимча, витаминлар ва антибиотиклар препаратларидан ташанкил топган бўлиши керак.

1) Карпсимон балиқларни озиқлантиришда ўсимликлардан тайёрланган озиқалардан концентранган (ғаллали, дуккакли, злаковый) ва техникавий чиқиндилардан (шрот, кунжара, пивонинг қолдиқлари, ёрмалари ва бошқалар) фойдаланилади.

2) Ҳайвонлардан олинадиган – гўшт, суяк уни, баиқ уни, китлар уни, пилла қурти чавоқлари, қон унлари ва бошқалардан тайёрланилади.

3) Қўшимча озуқалар – соф ҳолдаги ховузларда мавжуд озуқалар бўлиб, етарли даражада ҳар хил керакли моддалар ҳар доим ҳам бўлавермайди. Мана бундай ҳолларда рацион тартибига қўшимча тарзда сунъий ва табиий маҳсулотлар органик ва минерал озуқалардан фойдаланилади.

4) Протеинлар қўшимчаси – сунъий пешоб, карбамид, бикорбанат аммония, ККЛ-лизин, озуқасини концентрати, сунъий метионин ва бошқалар. Минерал қўшимчалар – бор, калций хлор, гипс, оҳак ва қисқичбақачалар.

5) Микроэлементлар – хлорли, ишқорли тузлар ва бошқа бирикмалардан, мис, кобалт, марганец, рух йод, темир ва бошқа биологик муҳим элементлардир.

6) Витаминлар – сувда ва қуриқликда ўсадиган ўсимликлардан олинадиган каротин манбасига; ўт уни, беда уни, ёғли концентрат,

витаминлар, А ва Д витамин препарати, В₁, В₂, В₁₂ ва озуқа хамиртириши киради.

Озуқа коеффициенти – бу барча озукаларни миқдор ва сифат кўрсаткичларини баҳоловчи шартли тадбирдир. Яъни ўстирилаётган балиқни 1 кг ўсиши учун қанча миқдорда озуқа еганини аниқлаш ва ялпи маҳсулотни ҳисобга олишдан иборат.

Ҳовузларда ўсувчи табиий ўсимликлардан озукланувчи балиқлар озукасига зоопланктонлар ва бентослар, барча моддалар билан таминлаб, балиқларни меёردа ўсиши ва ривожланишига жуда муҳим ўрин тутди. Чунки табиий озукалар физиологик қимматбаҳо ҳисобланади. Балиқларни ҳар хил аминокислоталар микроэлементлар, витаминлар ва бошқа бир инсон учун муҳим бўлмаган биологик моддалар билан организмни таминлаб берувчи манбадир.

Карпсимон балиқлар учун мумкин қадар рацион таркининг 30-50 % табиий озукари ташкил қилиниши керак.

8-МАВЗУ: Балиқларни озиклантириш ва ўстиришда табиий ҳамда сунъий озукалардан фойдаланиш.

Режа

- 1- Балиқларни озиклантириш
2. Балиқ чавоқларини озикланттириш
- 3 Чавоқ балиқларни ўстириш
- 4 Балиқ чавоқларини қишлоқ мавсумида асраш.

Адабийётлар: 1-2.3.4.5.

Балиқларни озиклантириш. Ҳовуз балиқ хўжаликларида ўстириладиган, семиритириладиган (яйратиб ўстириладиган) балиқлар табиий ва сунъий озукалар билан озикланади, Хўжаликларда балиқларнинг асосий озукаси табиий манбалар (сув ўтлари ва умуртқасиз ҳайвонлар) бўлса, хўжаликларда эса балиқлар озукаси табиий озуқа билан бир қаторда сунъий (дон ёрмаалри, аралаш ем, пилла қурти қумбаклари ва бошқалар) озиклардан иборатдир.

Интенсив ҳовуз балиқ хўжали-ги ҳовузларида бўқияётган балиқларнинг зичлиги (миқдори 1 га ҳисобида). балиқларга бериладиган

аралаш емининг миқдори ва сифатига боқлиқдир. Озуқа қанча кўп бўлса, ҳовузга қўйилган балиқ шунча кўп бўлади.

Ҳовуз балиқларини озуқа билан таъминлаш учун республика омухта еми саноати ёрма (уваланган) ва донадор ҳолидаги омухта еми Фарқона, Қўқон, Бухоро, Самарқанд ва Жиззах шаҳарларида тайёрлайди. 1985 йидан бошлаб Янгийўл ва Чиноз шаҳрида махсус балиқ еми комбинати ҳам ишлай бошлади. Ўрма еми қориштирилиб хамирсимон ҳолида донадор омухта еми шундайлигича ҳовузларга ташланади. Ҳовуз сувидан тез зрийдиган органик моддалар тўпланиб сувнинг гидрохимик нормасини ўзгартириши мумкин, бунда оксидланиш жараёни ортиб, азотли бирикмаларнинг миқдори кўпаяди. Маълумки, балиқ ҳовузларидаги нормал кислород миқдори (4-6 мг/л) ва оптимал сув температурасини таъминлаш балиқларга берилган озуқа моддаларини тўла ҳазм қилишга шароит яратди. Сувда зрийган кислороднинг миқдори 4 мг/л. дан камайса, балиқларнинг озукани ҳазм қилиши сусаяди, шунтаҳаси бўқилади, Одатда балиқларга . сарфланадиган озуқа нормаси балиқларнинг тирпиқ вазнини 4-5 фоизни ташкил этади. Балиққа кўпга 2-3 марта озуқа берилса ■ (ҳар галда балиқ оқирлигининг 1-2 процентига тенг озуқа) яхши натижа беради.

Республикаимиз шароитига кўра балиқ хўжаликларида балиқнинг ўсиши тезлигига қараб йиллик бериладиган озуканинг проценти ҳисобида ойма-ой қўйдагича бўлади:

Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд областларида ва Фарқона водийсида жойлашган ҳовуз балиқ хўжаликларида -апрелда — 9,5%, майда — 15,3 %, июнда — 17,4%, июлда — 18,8%, августда — 17%, сентябрда 13,9 % ва октябрда 8,3 % озуқа берилади.

Хоразм ва Қорақалпоқистон АССРда жойлашган хўжаликлари учун апрель ойи 10,5%, май — 15%, июнь — 17,7 %, июль -18,0 %, август 16,8%, сентябрь - 13,4% ва октябрь ойи

8,3 % озуқа бериш тавсия этилган.

Балиқ чавақларини озиклантириш. Ўзбекистон ҳовуз балиқ ■ хўжаликларида карп балиғи апрель ва май ойларининг бошларида сувнинг ҳарорати 18-26°C илганида урчийди.

Йкрадан личинкага айланган балиқлар аралаш озикалар (тубон ўсимликлар ва содда ҳайвонлар) билан озиклана бошлаганида кичик ўтсирийш ҳовузларига кўчирилади.

Балнқ личинкалари қўйишдан олдин табиий озуканинг ривожланниши учун ҳовузнинг ҳар бир гектарига 5-10 тонна яхши чирнган гўнгни бир текисда сочилади.

Ҳовузга сув қўйишдан олдин сув ўтказгич сеткаларни (17-18 номерли элак газидан тайёрлаиған) яхшилаб ўрнатилади, сабаби сеткасиз ҳовузга сув билан бегона овланмайдиган. балиқлар бегона балиқ ва бақа личинкалари ҳовузга кириб личинка балиқлари билан озиқланиш мумкин.

Ҳовузга сувни байиқ личинкаларини қўйишдан 7-10 кун олдин тўлдирилади, сув фақат айтилган сетка орқали ўтиши лозим. Сув тўлдирилгандан кейин 1 сутка ўтказ ҳовузларга табиий озукани (дафния) кўпайовчи галаси ташланади. Ҳовузда дафнияни ўсиши. ва кўпайиши учун шароит иратилиши керак. Натижада 5-6 кундан кейин уларнинг миқдори 1 литр сувда 1-1,2 мингга етканда балиқ -личийкалари қўйилиши мумкин бўлади.

ГЗу ҳовузларда балиқнинг личинкалари табиий озукани миқдори ва сифатига қараб 12-15 кун ўстирилади. Табиий озуқа кам бўлса қўшимча (сунъий) озуқа, яъни букдой уни (1кг 100 минт личинка балиғи ҳисобига), соя уни (2кг 100 минт личинка учун) қўлланилади.

Бир гектар кичик ҳовуз ўстириш ҳовузлари сатҳига 3-5 миллион карп балиқ личинкаси ёки 1,5-2,5 миллион ўтхўр балиқлар , (толстолоб ва оқ амур) личинкасини қўйиш тавсия этилади. Шу ҳовузларда ўстирилган балиқ чавақларининг чиқим миқдори (сақланиши) ва оқирлиги ҳар хил бўлганлиги учун карп балиғи чавақларининг чиқими 50 % ни, ўтхўр балиқлар чавақининг чиқим миқдори 60%ни ташкил этади.

Балиқ чавақлари дастлаб ўстириш ҳовузларида ўстирилган, кўнайтирилган тайёр зоопланктон билан озиқланади. Табиий озуқа миқдори камайганидан сўнг сунъий озуқа (омухта ем) берилади. Июльда республикамиздаги бадиқ хўжалигини ҳовузларида зоопланктон организмлари деярли қолмайди. Шу даврда ҳовузларда махсус озиқлантириш майдонлари ташкил этиладя! Омухта емга ипак қурти ғумбақлари, қон, суяк, балиқ унлари, чиқанок гўшти ва бошқа оқсил ва витаминга бой озуқалар қўшиб берилади. Одатда бундай сунъий озуқа эрта билан соат 8 даи 10 гача-, тушликда 15-16ларда, кечга бориб 20-21 ларда берилса яхши -натижа беради.

Чавақ балиқларига ўсиш даврида бериладиган сунъий

озукани ҳар ойга бўлиб (июнь — 8%, июль 29%, август — 27%,

сентябрь — 22% ва октябрь — 14 % микдорида) кундалик озуқа белгилаб олинади.

Ҳовузда бериладиган озуқани ҳар куни к-узатиб турилади. Агар берилган озуқа тўлиқ ўзлаштирилса, кунлик озуқа сарфини кўпайтирилади. Бурилган озуқа балиқлар томонидан тўлиқ истеъмол кидинмаса кунлик норма бир оз камайтиради.

Ҳар гектар ўстириш ҳовуз майдонига 100-150 минг ўстирилган балиқча, шундан 60-100 минг карп чавақлари, 40-60 минг ўтхўр балиқ чавақлари қўйилади. Кузга келиб шу ҳовузлардан 90 мингга яқин чавак олинади.

Чавак балиқларини ўстириш. Чавақлар ўстириш ва яйратиб ўстириш ҳовузларида асралади. Ҳовузларга қўйиладиган личинкаларни сони нгу ҳовузларнинг табиий балиқ маҳсулдорлигига боқлиқ, ҳамда шу ҳовузларда ўстирилган, яъни личинкадан чавақларга айланган балиқларнинг тирик вазнига ва мавсум охирида балиқ чиқими (маҳсулдорлигига) боқлиқ бўлади.' Бунинг махсус ҳисоб-китоби бўлиб қўйидаги формула асосида олиб борилади:

$$A \text{ қ } (Г*П*100/(В-в))*Р$$

A - ҳоваузларга қўнлиши керак бўлган личинкалар сони;

Г ўстириш ҳовузининг тайдоши (га) ;

П — ҳовузнинг табиий балиқ маҳсулдорлиги (га/кг);

В — чавақларнинг ўртача тирик вазни (г);

Р — чавақларнинг сақланиши (чиқими) процентларда ;

Ҳовузга қўйилган личинкаларни сони нормадан кўп бўлса, ёш балиқларни ўсиши ёмонлашади, уларга озуқа етмайдн, натижада уларнинг ўртача тирик вазни кичик бўлади. Ҳовузларга кам микдорда қўйилганда эса улар яхши ўсади, йирик бўлади; аммо чиқиш сони, яъни умумий товар балиқларнинг массаси кам бўлади.

Масалан: ҳовузнинг балиқ маҳсулдорлиги 200 кг га, кузда чиқими 70, ҳар бир чавақнинг ўртача тирик вазни 25 г. бўлиши учун 1 га майдонга қанча ёш балиқчалар ва личинка қўйилиши кўраклигини аниқлаймиз.

1. $1 \text{ га } \times 200 \text{ кг га } \text{ қ } 200 \text{ кг } 1 \text{ га}$

$2,0,025 \text{ вгх } 70 \text{ қ } 1.75$

3. $200 \text{ кг га } : 1,75 \text{ қ } 114 \text{ минг } 285 \text{ дона қўйиш керак бўлади.}$

Демак, кузда чавақларнинг чиқими 70 ва ҳар бирини ўртача тирик вазни 25 г, 1 га майдондан олинадиган маҳсулдорлик 200 кг га ҳеч қандай қўшнмча озуқа сарфланмай ва ҳеч қандай мелиорация ва ўқитлаш ёки

қўйиладиган ёш балиқчаларни (личинкадан чиқган) сонини қўпайтирилмасдан- амалга оширилади. Бу ҳол ҳовуз балиқчилигида норма бўлиб ҳисобланади.

Чавақларнинг сифатига бўлган асосий талаблар. Кузга келиб чавақларнинг ўстириш ҳовузларидан чиқими ҳовузга қўйилган ёш балиқчиларнинг кунлик ёшларига боқлиқ бўлади. Кузга келиб уларнинг тирик вазни ўртача 25-30 граммни ташкил этиши керак.

Бундай тирик вазнга эришиш учун ўсишни назорат қилиш керак бўлади. Ҳар 10-15 кунда ўстириш ҳовуздан 100 та. чавақ ушланади ва умумий массаси аниқланади. Умумий массани 100 донага нисбати ўртача 1 дона чавақнинг тирик вазнини беради.

Ўзбекистон шароитида ҳовузларда ўстириладиган балиқларнинг чавақлари қўйидаги тирик вазнларда бўлгани тавсия этилади:

июнь ойида -- 6 г; июлда — 20 г; августда -- 25 г; сентябрда -- 27 г; октябрда 28-30 г.

Балқ чавақларини қишлоқ мавсумида асраш. Қишлоқ мавсуми октябрдан токи апрелгача 180-186 кун бўлиб, балқ "чавақлари махсус ҳовузларда сақланади. Ҳовузларнинг майдони ҳар 10 гектар ўтениш ҳовузи ҳисобига 1 гектар бўлиши керак.

Балиқ қўйилишидан аввал қишлоқ ҳовузлари ёз ойлари яхшилаб тозаланади, қурилади, сув кириш ва чиқиш жойларида тозалаш тўсиқларини ўрнатилади, ҳовузнинг туби ва ён томонлари хлорли сув ёки сўндирилмаган оҳак билан ишланади. Ҳовузга балиқ қўйишдан 10-15 кун аввал сув бўлаи тўлдирилади:

Балиқ чавақларини ўстириш ҳовузларидан қишлоқ ҳовузларига ўтказиш учун махсус балиқ тутқичларидан фойдаланилади, ёки ўстириш ҳовузларидаги сувни чиқариб юбориб, (чавақларни тўрдан ясалган човли ёрдамида тутиб олинади ва қишлоқ ҳовузларига қўйилади, Қишлоқ ҳовузига қўйилган балиқлар дастлаб озиклантирилади,

Бу тадбирни обу-ҳаво яхши вақтда қисқа муддатларда ўтказган маъқул, акс ҳолда тўсатдан ҳавонинг совуқ келгани ва сувнинг музлаши қўп чавақларни нобуд қилишига олиб келади.

Мабодо жами чавақларнинг 10 га яқин стандарт талабига жавоб бермаса, уларни ажратиб олиб санаб, тортиб ва паразит касалликларга қариш ванналарда ишлов берилади ва қишлоқ ҳовузига қўйиладиган.

Санаш ва тортиш асосан чедак ёрдамида ўтказилади, яъни 10 литрлик чедакдаги чавақларни умумий сони ва массаси аниқланади.

М: Бир челаққа 320-400 дона стандарт талабидани чавақлар жой бўлади. Бир гектар қишлоқ ховузнга норматив бўйича 400-800 минг, айрим ҳолларда эса 1 млн. гача қўйилади.

Қишлоқни ташкил этнш. Қишлоқ знг долзарб масала бўлиб, бу даврда кўп миқдорда балиқ чавақлари нобуд бўлади.

Қишлоқ мавсумида қуйидаги зоотехния тадбирлари ўтказилади: 1. Сувдаги газ миқдорини ва температурасини нормал ушлаб туриш. Ҳовуздаги сув доим оқимда бўлиш тавсия этилади ва у ҳар 12-15 кунда, узоқи билан 20 кунда янгиланиб туриши лозим.

Ҳовуз суви таркибда зриган кислород миқдори 4-5 мг литрдан кам бўлмаслиги керак. Кислород миқдори ушбу кўрсаткичдан кам бўлса сувни алмаштириш ёки механик таъсир ёрдамида аэрация ўтказилиши керак, Ҳовузда қишлаётган балиқларни сув қўйилиш иншооти томон тўпланиши ва сувда яшовчи ҳашоратларни сув юзига чиқиши сувда кислород миқдорини камайганидан далолат беради. Айниқса, қишлоқнинг иккинчи ярмида кислород миқдори нормада ва ундан юқори бўлиши яхши натижалар беради.

2. Сув билан таъминлайдиган канал ва лотокларни муз ва ахлат ва ташландиқлардан тозалаб турилади

3. Доимий равишда ҳовуздаги сув ҳароратини назорат қилиш.

4. Ҳар ойда 1 марта январдан бошлаб балиқларни тутиб соқломлиги текширилади.

Қишлоқни ўтишини назорат қилиш учун ҳовуз ичига 1 x 0,5 x 0,5 м ҳажмида металдан тайёрланган катак қўйилади ва унинг учига 100-200 чавақ асралади. Бу катак қиш мавсумида 2-3 марта кўтарилади ва унинг ичидаги балиқларнинг тана ўлчами олинади, тирик вазни, семизлиги аниқланади. Одатда балиқлар қишлоқ мавсумининг охирига бориб куздаги кўрсаткичларига нисбатан 10-16% тирик вазнини, 31,3-43,1% танасидаги ёғини ва 17-30% бқсилини йўқотади.

Охири йилларга келиб кўпгина балиқчилик хўжаликлари қишлоқни ёпиқ сув иншоотларида ўтказмоқда. Бу усулда балиқлар жуда зич сақлангани туфайли домий равишда сув аэрация қилинади.

Карп балиғининг катта ва ремонт ёшидаги вакиллари ҳам юқорида қайт этилган усулларда асралади. Бир гектар майдонга 300-500 дона ремонт ёшидаги балиқлар қўйилади. Уларнинг қиловдан чиқиши 95-100 ташкил этади.

Товар (истеъмол) балиғини етиштириш. Икки йиллик балиқларни 450-500 г. тирик вазнда сотиш фойдалироқ. Буларни етиштириш учун

яйратиб ўстириладиган ҳовузлардан фойдаланилади. Кузда сув ташланиб бутун иншоотдаги каналлар, тўқонлар қирқоқлар кўздан кечирнади, чуқур бўлган жойлар ҳар хил ўсимлик ва ахлатлардан тозаланади. Март-май ойларида қилиб бир йиллик балиқлар яйратиб ўстириш ҳовузларига қўйилади. Балиқлар ҳовузга қўйилишидан олдин дезинфекция ҳовузида бир оз сақланади, сифати, тирик вазни, соқломлиги аниқланади. сўнгра қўйидаги ҳисобга асосан ҳовузларга қўйилади:

$$A \approx \frac{G \cdot P \cdot 100}{(B - b)} > P$$

A — қўйилиши керак бўлган бир йиллик балиқлар сони;

G — ҳовузнинг мандони (гектар);

P — ҳовузнинг табиий балиқ маҳсулдорлиги (кг га) ;

B — кузга келиб 2 йиллик балиқларни ўртача тирик вазни (г);

b — баҳорда қўйилган 1 йиллик ёшдаги балиқларнинг ўртача тирик вазни (г);

P — кузга келиб 2 йиллик ёшдаги балиқлар чиқими.

Бу балиқлар асосан июль-август ойлари 65-85 миқдорида вазн кўшади.

Балиқни ўсишини назорат қилиб бориш керак бўлади. Бунинг учун ҳар ойда бир марта ҳовузга қўйилган балиқни 1% миқдоридаги тутилиб тирик вазни аниқланади.

Республикаимиз шароитида иккинчи ёшдаги балиқларнинг тирик вазнини ортиши апрелда 4% ни, майда — 9%, июнда — 16%, июлда - 25%, августда — 35%, сентябрда — 64% ни ташкил этади.

Кузга келиб 500 г. тирик вазнда бўлиши керак бўлган иккинчи ёшдаги балиқ 1.УИ-160 г, 1.УШ-320, 1.1Х-490 г ва 15. IX -500 г. бўлиши керак.

Кузда балиқ овлаш. Овлашда ҳар бир ҳовузн хўсусиятларини ҳисобга олиш керак бўлади, яъни сўв ҳовуздан чиқарилганида балиқларни бир жойга тўпланиб қолишига йўл қўймаслик керак. Акс ҳолда балиқлар нобуд бўлади.

Овлашда махсус балнқ тутқичлардан фойдаланилади. Улар сувни чиқиш жўйида ўрнатилади. Сув чиқарилаётганида балиқни келишига ҳалал бермаслик ва ҳар қандай шовқишш олдини олиш керак бўлади. Сувни чиқармасдан ҳам овлаш мумкин, лекин кўп ишчи кучи сарф бўлади.

Карп балиғини бир йилда яйратиб ўстириш. Кўл ва ҳовузларни табиий балиқ маҳсулдорлигин юқори, яъни 1 гектарда 500-600 кг бўладиган бўлса кузда овланади ва истеъмол тармоқига ҳар бирининг тирик вазни 500 г келадиган карп балиқлари етиштириб берилади.

Саволлар:

1. Балиқлар қандай озуқалар билан озиқланади ?
2. Балиқ чавоқлари нмалар билан озиқланади ?
3. Балиқларнинг қишлови қандай ўтади ?

10-МАВЗУ: Балиқчилик мелиорацияси.

РЕЖА:

1. Балиқчилик тармоғида мелиорация ишининг моҳияти.
2. Ҳовуз балиқчилигида экологик мелиорация.
3. Ҳовуз балиқчилигида агротехника мелиорацияси.
4. Ҳовузнинг биологик мелиорацияси.

I. Хўжаликларни жадаллаштириш тадбирини алоҳида самараси ва унинг барча мажмуий кўпгина омиллари бу табиий, маълум бир белгиланган биотехник тадбирларнинг натижаси ҳисобланади.

Ҳовуз балиқчилиги фойдаланиш жараёнида балчиқланиш ва лойқаланиш, гидрокимёвий ва санитария ҳолатининг бузилиши, балиқларни ўсиш ва ривожланишдан қолиши ҳамда яқунланиш ҳисобида балиқчилик ишлаб чиқариш маҳсулотини кескин пасайиши кутилади.

Шунинг учун ҳовузнинг мелиорациялашда (интенсификация) жадал равишда балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш муҳим аҳамиятга эгадир.

Мелиорация — бу техник система ва хўжалик – ташкилий тадбир бўлиб, атроф-муҳит ва ҳовуз таркибини тубдан яхшилаш ҳамда ўстириладиётган балиқларни шароитини оптимал даражада яратишдир.

Ҳовузнинг агросаноат маданиятига (реконструкция) (комплекс) мажмуий ёндошиш тарзида самарали конструкцияга эга янги гидроиншоотлардан фойдаланиш механизациялашган технологик жараёни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Ҳовуз балиқчилигида қурилиш иншоотларини вақти-вақти билан (реконструкция) такомиллашган конструкция балиқ маҳсулотини етиштиришда унинг экологик шароитини яхшилаш ҳамда ҳовузнинг маълум бир даражада сувнинг ҳароратини ушлаб туришда ва оптимал ҳолатда ҳовузнинг чуқурлигини сақлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

II. Ҳовуз балиқчилигида ҳар бир зонага мансуб ҳовузнинг балиқ маҳсулотларини зичлик даражаси ҳамда ҳовузнинг чуқурлик ҳолатини аниқлаш ва балиқларнинг ишлаб чиқариш таннархини пасайтиришда унинг самарадорлик кўрсаткичини ошириш муаммодир. Ҳовузнинг ўртача чуқурлиги берилган меъёрий кўрсаткич бўйича 1.2-1.3 м бўлиши керак.

Илғор балиқчилик хўжаликларида олиб борилган изланиш натижаси 2-3 м чуқурликдаги ҳовузнинг юқори кўрсаткичдаги балиқ

маҳсулотига эга бўлдилар. Турли зоналарга мансуб ҳовузларнинг чуқурлик ҳолатини аниқлашда ҳамда балиқларни ўтказишда уларни ҳарорат даражаси, тўлқин узунлиги, шамолнинг кучи каби омиллар сабаб бўлади.

Булардан ўрмон-дашт ҳовузларда 1.4-1.5 м; ўрмон-чўл ҳовузларида 1.5-1.8м; чўл ҳовузларида эса 1.8-2.0 м тенгликда бўлиши керак.

Ҳовузларда сувнинг сатҳи кўтарилиши асосан (чилла) июль-август ойларида содир бўлиши керак, чунки сувнинг ҳарорат даражаси юқори бўлса, ҳовуздаги мавжуд балиқларнинг ўсиши ҳамда озикланиши табиий сустрелади.

Ҳозирги замон балиқчилик хўжаликларини шароитини яхшилашда (юқори зичликда балиқларни сақлаш ва озиклантириш) сув асосий ва муҳим кўринишдаги технологик омиллар ҳисобланади.

Сув хавзаларида кислород даражаси ва сувни тозаланиш ҳолатининг таъминланиши келажакда балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқаришни жадаллаштириш асосий омиллардан ҳисобланади.

Ҳовуз балиқчилигида асосий мелиоратив шароитларини яратиш ва сувни доимий равишда идора қилиш ҳамда жадал усулда балиқларни ўстиришда (поликультура) турли балиқларни биргаликда ўстириш изланиш натижаси мақсадга мувофиқ эканлигини таҳлил қилади.

Турли чуқурликдаги ҳовузларда балиқларни ўсишини баҳолаш.

Ҳар хил ёшдаги гуруҳлар	Ҳовузнинг маълум бир чуқурликда балиқларнинг ўсиш тавсифи, м	
	1,8-2,0	0,9-1,2
Карп балиқлари		
Икки ёшли	4,080	0,375
Уч ёшли	4,020	1,550
Дўнг пешона балиқлар		
Икки ёшли	2,107	1,549
Уч ёшли	3,888	3,304
Оқ дўнг пешона балиқлар		
Икки ёшли	1,995	1,016
Уч ёшли	4,256	3,868

Балиқчилик хўжаликларида юқори даражадаги жадал ўстиришда ҳовузларда органик ва минерал ўғитларни тўпланиб (ачишига олиб келади) қолишига сабаб бўлиб, катта миқдордаги кислород сарфига олиб келади. Шунинг балиқларни ўстиришга ва уларга (оптимал) меёрий шароит яратишда ҳовузларда кислород даражасини кўпайтириш манбаалари қидирилмоқда.

Экологик кўрсаткичлар маълум бир даражада гидрологик омилларга таъсири бўлиб, сувнинг оқимлик ҳолати киради.

Ховузлар — бу нисбатан сақланувчи сув бўлиб, шунинг учун унинг балиқ зичлигини инобатга олган ҳолда ёз ойларида ҳар 20-25 кун мобайнида сувни алмаштириш тавсия қилинади.

Экологик мелиорация келажакдаги юксак даражада балиқчиликни жадал ривожлантиришда ховузларда кислородлик даражасини концентрациясини ҳолатини оширишда сунъий аэрация ҳисобланади.

Ховуз балиқчилигида келажакда қўлланиладиган аэрация турларидан бири бу соф кислороддан фойдаланиш керак бўлади; булардан ҳозир сунъий равишда механик аэрациялардан: ЛДН-45, ДДН-50, ДДЛ-100 каби махсус ускуналардан сувнинг қуйилиш қисмига ўрнатилади.

Агар сувнинг кислородлик даражаси кундузи юқори бўлса, у ҳолда ховуздаги мавжуд ўсимликлар, фитопланктонлар ривожланиши минерал ўғитлар ёрдамида биологик аэрацияланиш кўрсатгичи ҳам ортади.

Ховузларни ўз вақтида махсус қоришмалар ёрдамида оҳакланиб туриши ҳам мелиоратив тадбир ҳисобланади.

Ховузларни оҳаклаб чиқишда асосий учта: эритилмаган калций ишқорий (лпис) модда CaO , эритилган оҳак йки кальций гидрат Описидан фойдаланилади.

Жуда катта майдонга эга бўлган балиқчилик ховузларини ҳозирги пайтда ҳаттоки авиация орқали оҳаклаб чиқиш тавсия этилади.

III. Агротехника мелиорацияси ховузларни тозалаш, бостирмаларни текислаш, қуришти ишлари билан боғлиқ.

Ховузларни сув билан тўлдириш ва чиқариб ташлашни муддатида амалга ошириш, ҳамда балиқларни қишлоқ ховуздан бошқа ховузларга ўтказиш, балиқларни овлаб реализация қилиш балиқчиликда биотехникавий муҳим тадбир ҳисобланади. Аммо, олимлар ховузларни сувга тўлдиришни ўзгартириш масаласини қўйганлар. Баъзи бир ривожланган Европа мамлакатларида ховузларда озуқа даражасини юқори поғонада етиштириш мақсадида ховузлардан тўлиқ бир йил мобайнида сувини чиқармасдан вақти-вақти билан алмаштириш усулида фойдаланмоқдалар.

Ховузларни бир йил мобайнида агротехник ишлов берилиб, кейин оз миқдорда сув қўйиб қўйилса балиқларни ўстириш жуда катта самара бериши эҳтимолдан ҳолши эмас. Қачонки ховузларни офтобда тоблантириб маълум бир муддат қурилса ва сўнгра ховузларга агротехник ишлов берилса табиий балиқ маҳсулотлари икки баробар кўпайиши кутилади.

Ховуздан ҳамма сувни чиқариб ташлаб, қуришти эски тупроқ қисми олию ташланиб янги тупроқ ва гўнг ташлаб тайёрлаб қўйилади. Ховузлардаги ярамас зараркунанда ўсимликлардан (қамиш, қўлшоҳ, аир, кичитқи, осана, ўткирбарг, манник, гасуха ва бошқалар) йўқ қилишда

ЭЗОКС-3, ВМЖ-200 ёки КП-0.7, АСК-2 каби агрегатлардан фойдаланилади.

Ҳовузларда юмшоқ ўтлар (рдест, уруть, шохбарг ва бошқалар) тартиби маълум бир 25% ни ташкил қилиши фойдалидир. Агар хаддан ташқари ўсиб кетса у ҳолларда ўриб ташланади ёки ўта ривожланиб кетса ҳовузда маълум муддатгача ўрдаклар сақланади.

IV. Ҳовузда мавжуд ўсимликларни камайтириш мақсадида амур балиқларидан фойдаланилади ва ҳовуздаги балиқларни экологик ҳолатини яхшилаш муҳим биологик мелиорация тадбири бўлиб, хаттоки ярамас зараркунанда балиқлар билан ҳам курашиш асосий омиллардан бири ҳисобланади.

12-МАВЗУ: Ҳовуз ва табиий сув хавзалари тўғрисида тушунча.

Бошқа сув мажмуаларидан балиқчиликда фойдаланиш

РЕЖА:

1. Табиий сув хавзалари, кўллар.
2. Ҳовуз балиқчилигида экологик-географик зоналар.
3. Ҳовуз балиқчилик хўжаликлари системаси.
4. Балиқчилик хўжаликларида асосий ҳовузлар ичида майдонни тақсимлаш.
5. Илиқсув ва совуқсув ҳовуз хўжаликлари.

I. Замонавий балиқчилик тармоғида иккита асосий йўналишдан: табиий сув хавза ва ҳовуз балиқчилигидан иборат.

Табиий сув хавзаларининг асосий вазифаси ва уларни табиий урчитиш ҳамда балиқ маҳсулотини ошириш, қимматли балиқларни сунъий равишда кўпайтириб, табиий сув хавзаларида ўстиришдан иборатдир. Шу билан бир қаторда балиқчилик саноатини табиий сув хавзаларида иқлимлаштириш ҳамда озиклантириш, балиқлар галасини яхшилаш катта аҳамиятга эга.

Махсус лойиҳа асосида туширилган балиқчилик хўжаликларида балиқ маҳсулотини жадал ишлаб чиқариш кўрсаткичини ҳар қандай шароитда бошқариш ҳамда хўжаликларда гидрокимёвий гидрологик ва бошқа оптимал шароитларни муваффақиятли тарзда олиб бориш мумкин. Балиқларни сунъий озиклантириш ва ҳовузларни ўғитлаш ҳамда техникавий гидромелиоратив ва бошқа тадбирлар таъсири остида ҳовузларни ҳолатини яхшилашда мутахассис балиқшунос таъсири натижасида 1 га ҳовуз майдонида балиқлар маҳсулотини бир неча баробар табиий шароитда етиштиришга нисбатан юқори кўрсаткичга эришилади.

Табиатда оғир ва чучук сув хавзалари (ороллар, дарёлар, анҳорлар, сойлар, болоқлар ва бошқалар) мавжуддир.

Кўллар асосан ўзининг ҳажмига қараб ҳар томонлама қирғоқлари табиий берк, оқадиган ва оқмайдиган бўлиб, уларнинг чуқурлик даражаси жойлашиш рельефига боғлиқ бўлади. Европада энг катта бу “Кафт” номли орол бўлиб чуқурлиги 380 м ва 18.2 минг км² майдонга эга, бундан ташқари энг чуқур 1745 м ва 31.5 минг км² майдонга эга Байкал кўли ҳисобланади.

Табиий кўллар ўзининг биоген моддалирининг таркиби билан 3 та асосий турга бўлинади: 1) олигатроф — яъни кам маҳсулдор; 2) эфтроф — сермаҳсул озиқали; 3) дистроф — эритилган тахир моддали.

Олиготрофли кўллар одатда чуқур ёз ойларида кучсиз даражада табиий илийди. Асосан совуқсув хавзаси ҳисобланади. Бундай кўлларнинг суви тиниқ, рангсиз, озуқа таркибий моддаси кам, фитопланктонлар сусти ривожланади, кислородлик даражаси паст, органик моддаларга бойитилмаган бўлиб, бу ҳовузларда хон балиқ (форель), кўл ласоси, памич ва баъзи бир сиг балиқларини урчитиш мумкин.

Олиготроф кўлларнинг ўт-ўланлари ўсиб кўпайиб кетиши натижасида эфтроф кўлига айланади.

Эфтроф кўллари нисбатан чуқур бўлмаган ўта кенг қирғоқлари берк зонадан ташкил топган. Кўлдаги сувнинг ранги сариқроқ (сарғич), таркибида органик моддага бой, ёз фаслида планктонлар ва фитопланктонлар ўсимликлари тез ривожланади. Бундай кўлларда кўпгина қимматли балиқлар зотора, оқ сила (судак), лиш каби балиқларни ўстиришда фойдаланиш мумкин. Агар ҳаддан ташқари ўсимликлар ўсиб кетиши юқори ҳамда ҳовузнинг пастки қисмини лойқаланишига олиб келади ва бундай кўллар дистроф деб номланади.

Дистроф кўллари сувининг ранги сарғич ёки қўнғир, чунки балчиқланиш ҳолати юқори бўлиб, торф ажралиб чиқиши ҳовузнинг тубида бўлиб, кислородлик даражаси жуда паст ва сувнинг шўрланиш ҳолати фаоллиги ($pH < 5-7$).

Бундай кўллар ўзининг кам маҳсуллиги билан биоген элементларни кучсиз ривожланганлиги учун: карас, виун, камдан-кам чўртан ва окунь балиқлари учрайди. Лекин бундай кўлларданҳовуз балиқчилиги учун фойдаланиш ярамайди.

Ҳовузлар асосан табиий ва сунъий бўлади.

II. Ҳовуз балиқчилигини муваффақиятли ривожланиши кўпгина, биринчи навбатда тупроқнинг иқлим шароитига ва табиий экологик хусусиятига боғлиқ. Тупроқнинг қанчалик маҳсулдорлиги юқори бўлса табиий балиқлар маҳсулдорлиги шунчалик юқори бўлади. Серҳосил тупроқларнинг органик бирикмалар ва минерал тузларга (ҳолати сувга тушгач) бой ҳовузларга сув қуйилгач керакли моддалар билан тўйдириб: бактериялар, ҳайвонларнинг организмлари ва ўсимликларни озиқланиши яхшиланади.

Ҳовуз балиқчилигида экологик иқлим шароит сувнинг ва ҳавонинг ҳарорати, унинг бир суткада ва мавсумий ўзгарувчанлиги, қуйқа

миқдори, шамол, қуёш нурининг таъсири, куннинг ўзайиши, ўсиш давомийлиги, урчиш даври, озикланиш фаоллиги, балиқларни ўсиш ва ривожланиши аҳамиятлидир.

Барча балиқчилик хўжаликларида минтақавий эколого-географик зонаси бўйича балиқлар турларига қараб совуксув ва илиқсув ҳовузлари мавжуд. Шунинг учун илиқсув хавзаларида урчитиладиган асосий объект бу карпсимонлар ҳамда совуксув хавзаларида урчитиладиган балиқлар сафига хонбалиқ (форель) симонлар деб номланади. Илиқсув балиқчилик хўжаликлари учун кичик анҳорлар, кўллар, дарёлар, сув омборлар баъзи ҳолларда кудукдаги артезиан сувлари ҳамда сув манбаи ҳисобланади. Совуксув ҳовузларини сув билан тўлдиришда эса булоқ, сой, водаканалдан чиққан ортикча тоза сувлар, совуксувли дарё сувларидан фойдаланилади.

Илиқсув ва совуксув ҳовузларининг структураси (тузилиши) майдонлари тақсимланиши ва урчитиладиган балиқларнинг биологик хусусиятларида ҳам фарқ қилади. Ит\илиқсув хавзаларида урчитиладиган балиқлар одатда баҳор фаслида урчитиш ҳовузларида олиб борилса совуксув хавзаларида етиштириладиган балиқлар ҳовузларда урчимайди. Уларни махсус инкубация аппаратларида сунъий урчитиш, маълум бир муддат ўстириб кейин балиқ личинкаларини ҳовузларга ташланади.

III. Балиқчилик хўжаликлари ўзининг ишлаб чиқариш салоҳияти, балиқлантириш техникаси ва иқтисодий-ташкилий хусусиятидан келиб чиқиб қуйидаги тўлиқ системали, балиқ питомниклари, яйратиш ўстириш ва наслчилик-селекция системасига эга ҳовуз балиқчилик хўжаликларидан таркиб топган.

13-Мавзу: Балиқчиликда янги сув ва ҳовуз иншоотлари.

Режа

1. Буффало балиқларини ўстириш ва урчитиш.
2. Канал лаққа балиқларини ўстириш ва урчитиш.
3. Ёл-ёл оқунь балиқларини ўстириш ва урчитиш.
4. Эшакбурун балиқларини ўстириш ва урчитиш.

I. Қишлоқ хўжалик – балиқчилик шароитида ҳар хил мақсадда фойдаланиладиган қора ва оқ амур балиқларидан юқори даражадаги серўт ҳовузларни мелиорациялаш ҳамда шу билан бирга қўшимча маҳсулот бериш самаралидир.

Замонавий илиқ сув ҳовузларида мамлакатлараро янги объект усулида, (поликультура) асосида карп балиқлари билан бошқа балиқларни (чипор ва оқ дўнгпешона ҳолида улар дурагайлари) биргаликда, қўшилган ҳолда ҳовузларда ўстириш кўзда тутилмоқда.

Кўл ва сув омборларида балиқ маҳсулотларини камайиб кетиши айнан бу сув ҳавзаларда қадрсиз ва ярамас балиқларни мавжуд озикалар туридан самарали фойдалана олмаслиги сабабли тез ўсувчан фитофаг ва зоопланктофаг табиий ривожланиб балиқ маҳсулотлари камайиб кетишга олиб келади. Илик сув ҳавзаларида (поликультура) турли маданийлашган балиқларни такомиллаштиришда жадал турдаги балиқчилик хўжаликлар, кўллар ва сув омборларида ихтиофауна шакллари йўналтириш ҳамда балиқ маҳсулотларини кўпайтириш, балиқчилик маҳсулот турларини сифатли равишда кенгайтириш ва иқтисодий кўрсаткичини ошириш билан боғлиқ.

Буффалолар- карпсимонлар қаторига мансуб бўлиб, янги объект балиқлар оиласига таълуқли бўлиб, уларнинг учта хили мавжуд:

- 1) катта оғиз;
- 2) кичик оғиз;
- 3) қора буффалолардир.

Буффалолар асосан физика-кимёвий параметрлари бўйича ўсимликхўр ва карпсимон балиқларга яқин. Бўлажак чучуксувларда урчитиладиган балиқлар учун 3% шўрлик, ҳолида ўстиришга 10% гача мумкин. Барча турдаги буффало балиқлари узун орқа сузгичлари кейинги сузгичларидан сезиларли катталиқда, танаси тўлиқ тангачалар билан қопланган, оғиз қисмида мўйловлари бўлмайди.

Катта оғиз буффало балиқлари валиксимон, нисбатан танаси баланд, ярми юқорига қараган бўлади. Бу балиқлар ўзининг (спецификасига) йўналиши бўйича туси карп балиқларига яқин.

Кичик оғизли буффало балиқлари бирмунча баландроқ танали, шакли бўйича леш балиқларини эслатади. Боши кичкина, оғзи пастда ва кичкина.

Катта оғиз буффалога қараганда оч-сустроқ рангда.

Қора буффало балиғининг эгилган танаси зоғора балиқларини эслатади.

Бошининг узунлиги ва ҳажми катта оғиз ва кичик оғиз буффалолар ўрталигида бўлиб, оғзи пастда жойлашган. Танасининг ранги тўқ, баъзи ҳолларда деярли қора, ҳолбуки озикланаётган ҳовузнинг хусусиятига боғлиқ.

Бу буффало балиқларини бир-биридан фарқли хусусиятлари фақат катта ёшдаги ҳайвонларида яхши, айниқча бу балиқлар муҳим этиологик фарқ қилади.

Катта оғиз буффалолар ўзига хос балиқлар қабиласидан бўлиб, кўплаб ўсиш жараёнини сувнинг қалин ўтли жойида ўтказди, лекин бу балиқлар билан муомала қилишда махсус ушлагичлар ёрдамида эътибор қилиш ўзгача самаралидир.

Балиқ личинкалари озикаси таркибига зоопланктонлар (коловраткалар) ва бу йилги 10-15 г балиқчаларида хали озика ейиш фарқи бир-бирларидан ўзгармаган ҳолда.

Қора ва кичик оғиз буффало балиқларининг тирик вазни ортиб бориши билан бентослар озикасига ўтади. Катта оғиз буффалоларнинг вазни ортиб боргач, ўзларида планктонлар билан озикланишни сақлаб қолади.

Барча турдаги буффало балиқлари ҳам омехта ем билан озикланадилар, лекин истеъмол қилиши сустроқ бўлиб, ҳовузларни маданий озиклар билан бойитиш мақсадга мувофиқдир. Асосан катта оғиз буффалолар ўзининг рейтинги жиҳатидан йирик бўлиб, табиий сув ҳавзаларида 15 кг, алоҳида хиллари 45 кг боради. Кичик оғиз буффалолар 15-18, қора буффалоларнинг тирик вазни эса 7 кг ташкил қилади.

Бу балиқларнинг барчаси бир мавсумда яъни баҳор ва ёз ойларида урчиш, фитофил усулида увулдирик сочиш хусусиятига эга. Буффалолар кўпайиши асосан карп балиқларсимон умумий тавсифга эга бўлиб, ҳарорати 16-17 градус даражасига етгач кўпайиши бошланади. Баъзи ҳолларда 20-28 градус сувнинг ҳарорат даражасида яхши урчиш кузатилади.

Буффалолар ўзининг уруғини ёш ёки ёши ўтган йилги ўтларга, илдиэпопарга, сузувчи жисмларга, гидротехник иншоотларга кўяди. Улар уруғлари сариқ-равшан рангда, зич таркиб ва куйук ҳолда сувга тушса ёпишқоқлик хусусиятига эга бўлади. Икраларини инкубациялаш махсус ВНИИПРХ аппаратида (100-200) 750 мингдан 1.5 млн донагача (икра) уруғ ва 5-6 л/мин сувнинг алмашилиши бошқарилади. Оталантирилган уруғнинг личинкалари ажралиб чиқишигача сақланиш кўрсаткичи 40 фоиз кам бўлмаслиги керак. Буффалолар личинкасини 1 га 3-4 млн., чиқими 70 фоиз, ўртача оғирлиги 15-20 мг ва 12-18 кун ўстириш кўзда тутилади.

Олимларнинг изланиш натижаси шуни кўрсатадики, сунъий ҳовузларда катта оғиз буффалоларни урчитиш. Келажакда бу турдаги балиқларни ривожлантириш ва табиий озикалардан унумли фойдаланишда самарали деб тавсия қилинади.

II. Канал (зовур) лаққалари карпсимон балиқлар қаторига, суяксузгичлар туркумига мансуб. Бу балиқлар физико-кимёвий параметр ўлчамлари бўйича ҳовуз балиқчилигида асосий объектлардан бири ҳисобланиб, бизнинг иссиқ иқлим шароитимизда илиқсув, чучук сувларда 12% шўрлик миқдорида ҳам етиштириш мумкин. Канал лаққаларида тангачалари бўлмайди, танаси ясси, ёғли сузгичлар. Боши эса кичкина бўлиб, юқориги жағ қисмида бир жуфт тери мўйлови ва оғзининг бурчак қисмида, бир жуфт узун ва йўғон мўйлови ҳамда пастки жағ қисмида эса икки жуфт унча узун бўлмаган мўйлови бор. Бу балиқлар йирик ва тез ўсувчан балиқлар ҳисобланиб, унинг тирик вазни табиий ўсишда 40 кг боради. Махсус Дон балиқ комбинатида бу йилги 15 г, икки йилги 150 г, уч йилги 550-570 г, тўрт йилги 1,4-1,8 кг ва беш йилги балиқлар эса 2,0-2,3 кг вазнга эга бўлиб, бу канал лаққалари асосан сувдаги ҳашаротлар, қисқичбақасимонлар, ҳар хил бентос организмлар ва

майда балиқчалар билан озиқланади. Канал лаққалари ҳам баҳор –ёз ойларида урчийдиган балиқлар синфига мансуб бўлиб, 21-26 С сувнинг ҳарорат даражаси 6 соатгача урчиш биологик кўпайиш хусусиятига эга.

Уруғ бериш маҳсулдорлиги 4-7минг дона, сувнинг энг чуқур қатлами, ўра, дарахт илдизлари остига уруғ сочади. Эркак балиқлари уруғни химоялаш билан бирга сувни аэроциялашни (қаноти) сузгичлари ва мўйловлари ёрдамида амалга оширади. Эмброгенез муддати 26-28 С сувнинг ҳароратида 7-8 кундан иборат.

Балиқчилик хўжаликларида канал лаққаларини ҳовуз, бассейн ёки аквариумларга ўтказиш йўли билан ривожлантирилади. Ишлаб чиқарувчи она ва эркак балиқларни жуфтлашдан олдин, уларнинг жинсий белгиларини етилганлигини аниқ билгандан сўнг уларни саралаш тавсия этилади, йўқса акс ҳолда бирорта бир жинс етук жинсий етилмаган бўлса, у ҳолда урчиш мавсумида етилган жинс етилмаган жинсга қаттиқ зарбали тишлаш қилиб. Қаттиқ шикастлантириш мумкин.Шунинг учун улар олдин бўйи-басти бўйича ҳамда жинсий етилувчанлиги бўйича тўлиқ урчитишдан олдин кўрикдан ўтказилиши керак. Бундай урчитиш иши ичида энг мақбули бу аквариумли усули ҳисобланади.Канал лаққаларини ўстиришда личинка ва бу йилги балиқларга зоопланктон ва зообентослар билан озиқлантирилади. Бир йиллик балиқлари 1 га майдонга 350г ўртача оғирликда 300 дона /м квадрат зичлигини ташкил қилади. Баъзи ҳолларда 900-1000 г оғирлигида эса балиқ маҳсулдорлиги 80кг/м квадрат ва 2,5 озиқлантириш коэффициентига тўғри келади.

III. Йўл-йўл оқунлар, оқунсимон қатори ва тошли оқунлар оиласига мансуб бўлиб, катта ёшдаги балиқларида кумушранг ён қисмидан қора йўл-йўл чизик ўтган, максимал табиий ҳолда урғочилари 60кг ва эркаклари 20 кг учрайди.Озиқланиш хусусияти бўйича йиртқич балиқ ҳисобланади. Шунинг учун уларнинг гўшти юқори мазали жиҳати билан фарқ қилади. Эркак балиқлари 4 ёшида, урғочилари 5 ёшида жинсий (вояга) етилади.Уруғ бериш маҳсулдорлиги 0,5-5 млн дона бўлиб, (увулдирик) пелагофил усулида уруғ кўяди. Окунь балиқлари тиниқ ва чучук сувларда ҳам кўпайиш хусусиятига эга бўлиб, сувнинг ҳарорати 18-20 С ва рН 8 даражада ва эмбриогенез жараёни 44-50 соатдан иборатдир.Март-август ойлари ичида урчитилади.

IV. Эшкакбурун балиқлари ягона осётрсимон балиқлар қаторига ва асосий рацион таркиби зоопланктонлар ҳисобланади. Баъзи бир турлари 80мм тирик вазнига эга бўлади. Миссисипи ва Миссури бассейн, дарёларида табиий ҳолда кенг тарқалган.Бу балиқлар асосан Шимолий Америка ҳудудларида, чучук ҳамда кўпикли сувларни хуш кўрувчи парҳезли икраси ва мазали гўшти билан осётрсимон балиқлар каби тахфсимга лойиқ.

Ҳозирги кунда АҚШ мамлакати бу балиқларни табиатдан овлаб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш масадида сунъий завод усули бўйича урчитиш имкониятидан қўлланилмоқда.

Осётрсимон балиқлар – бентофаг ёки йиртқич, эшкак-куракбурунлар эса зооплантофаг балиқлар ҳисобланиб, маълумки бу балиқларга қизиқиш ортиб бормоқда.

АҚШ дан 1974, 1976, ва 1977 йилларда Россиянинг Краснодар ўлкасида кичик митқдорда балиқ личинкаларини келтириб урчитиш ҳамда ўстириш мақсадида кузатув ва изланиш олиб борилди.

Кузатувда шу нарса маълум бўлдики: эшкакбурун балиқларнинг (1985й) озиқланиш хусусияти жабраларининг филтрлаш аппарати тузилиши бўйича, қачонки, бундай аппаратга чипор дўнгпешона балиқларники тўғри келади. Асосий озиқалари зоопланктонлар, фитопланктонлар ва детритлар ҳисобланиб, чипор дўнгпешоналар нимани истеъмол қилсалар деярли бир хил озиқа бўлиб, аммо лекин эшкакбурунларнинг филтрлаш майдони 2 маротаба чипор дўнгпешона балиғига нисбатан юқори.

Эшкакбурун балиқларнинг бу йилгиси 0,3 кг, икки йилгиси 4кг, беш йилгиси 8 кг тирик вазнига эга бўлади.

Ҳовузларда она балиқларни шакллантириш жараёнида (ўртача зоопланктонлар биомассаси 6, 4мг/л) мавсум бўйича таъмирловчи балиқларнинг ўсиш кўрсаткичи 6, 8 кг тенг бўлди. Агар ҳовузларда зоопланктонлар биомассасини ўртача 2, 4 мг/л ҳолда бўлса, 3кг ўсишини мавсум бўйича ташкил қилади, бу демак балиқларни жадал ўстирилишида унинг озиқа базасига боғлиқ.

Урғочи балиқлари 7 ёшда ва эркаклари эса 10 ёшда табиий ҳолда етилади.Баъзи ҳолларда барча шароитлар мужассам етарли даражада бўлса ундан ҳам олдин етилиб, жинсий диморфизм-боши, тана қисми “маржон” доналари билан қопланиши кузатилади.

Сунъий такрор ишлаб чиқаришда урғочи балиқлардан 10 ёшидан жинсий вояга етгач урчитиш мақсадида фойдаланиш мумкин.1984 йил биринчи бор “Краснадар” ўлкасида балиқлар урчитиш (заводида) корхонасида э. Балиқларни сунъий равишда такрор ишлаб чиқариш амалга оширилди. Осётрлар гипофизи, препаратини физиологик фаоллашувини ошириш ва биотехник сунъий урчитишдан анъанавий фойдаланилди.

Эшкакбурун балиқлари қимматли (объект) маскан ҳисобланиб, масадга мувофиқ маданийлаштириш учун иссиқ иқлимли (зоналарда) мамлакатларда. ГРЭС, ТЭС, АЭС сув хавзаларида табиий урчиш хусусиятига эга.

Бу балиқларни ҳовузларда урчитиш мураккаб бўлиб, табиий сувлардаги майда бу йилги балиқларни кетма-кет усулида балиқлантириш тавсия қилинади.

14-МАНЗУ: Балиқларнинг ўсиш ва ривожланишини ҳисобга олиш.

Режа

1. Ҳовуз балиқчилигида ёш балиқларини парваришlash.
2. Чавоқ балиқларни ўстиришда ҳовузларнинг шароити.
3. Парваришlash жараёнида чавоқларни озиклантириш.
4. Жадал усулида чавоқ балиқларни (ўстириш)ҳовузларда парваришlash.
5. Парваришланган балиқ личинка ва чавоқларини(транспортировка)ташиш.

I. Олинган личинка ва чавоқларни ҳаётчанлиги ва уларни парваришlashда асосий масала ҳисобланади.парваришlashда самарали усулларни яратиш,озуқалар меъёрини аниқlash ва махсус озуқалар билан таъминlash

Парваришlash даври деб,балиқлар пост эмбрионал ривожланишининг (оптимал) керакли шароитда ўстирилишига айтилади.Бу давр личинкаларни фаол ҳаракатланиб озикланиш жараёнидан бошланади.

Балиқлар личинкалари 1 ойлик ёшдан кейин катта балиқлар сингари шаклланади ва чавоқ балиқлари даврига ўтади.

Асосан ўсимликхўр ва карпларни якка маданий усулида парваришланади.

Ҳозирги кунда балиқ чавоқларини ўстиришнинг 3 хил усули бўлиб: Булардан:1)анъанавий усул 2)саноат усули ва ўтқизиш йўллари мавжуд.Анъанавий парваришlash усулида махсус ўстириш ҳовузларда чавоқ балиқлар учун қисқа муддат 2-4 ҳафтагача жуда яхши шароит туғдириб,парваришlash охирида эса 300-500 мг тирик вазнига ва 400-500 кг/га балиқ маҳсулотига эришиш мумкин.

Бироқ ҳозирги замон талабига биноан балиқ чавоқларини парваришlash биотехник такомиллаштирилган,махсус жадалlashган мосламалар ёрдамида ҳовуз ва бассейнларда янги саноат парваришlash усули завод шароитида борпо этилди.

Олинган чавоқ балиқларни концептрацияlash ва ихтисослаштириш мақсадида, сувни иситувчи ва сувнинг ҳовузларда айланмаси маромида бўлиши учун ГРЭС ва АЭС дан фойдаланиш мақул.

Карп ва ўсимликхўр чавоқ балиқларини парваришlashда ўзига хос асосий биотехникавий шароитда ўстиришни талаб қилинади.Булардан асосий топшириқлардан чавоқ балиқларни биргаликда ўстириш,атроф муҳитнинг экологик ҳолатини яратиб бериш,иклим ҳарорати, кислородлик ва озуқа даражасини таъминлаб беришдир.

Ўсимликхўр чавоқ балиқлари учун 23-28 С сувнинг ҳарорати ва 6 мг/ кислород талаб қилинади.Чавоқ балиқлари учун ҳаётнинг биринчи

кунидан каловраткалар ва иккинчи ярмидан бошлаб босмин,моин,Давния ва майда циклоплар билан озукланади.Озука организмлар контрептрацияси 1000-1500 экз/л дан кам бўлмаслиги керак.

Чавақ балиқларнинг ҳовуз майдони бир неча юз кв метрдан тортиб 1-2 га ҳажмида бўлиши мумкин,лекин бу ҳовузлар жуда қулай ,ҳар томонлама сувни бошқарув ҳамда тез-тез алмаштириш имкони бор жойга қуришни талаб қилади.Ҳовузлар шамолнинг эсишидан химояланган, асосий озук организмлар унча катта бўлмаган ихчам ҳовузларда яхши ривожланади,фақат уларга ишлов бериши ва хизмат қилиш жараёни нисбатан кўпроқ харажат сарфланади.Кўпгина завод такрорий ишлаб чиқарувчи хўжаликлар карп чавоқларини урчитиш ҳовузларида парваришlash билан бирга қишлов ҳовузларидан ҳам мақсадга мувофиқ фойдаланишмоқда.

Ҳовузларни тўлдиришдан олдин ,буткул туби тозаланиб.барона билан ишлов бериб,зарурият туғилса 2-3 ц/га ҳисобидан озукланади ва яна энг яхши ҳамда қулай усул бу ҳовузларда табиий озуклар базасини яратишда ҳовузларни ёз фаслида қуришти ишини ташкил этишдан иборатдир.

Ҳовузларга балиқ личинкаларини ўтказишдан 1-2 сутка олдин сув қуйилиши лозим.Чунки бу вақт ичида балиқ личинкаларини хушдорлари ривожланиб кетишига йўл қўйилмаслиги керак.Агарда сув манбасида зоопланктонлар миқдори оз бўлса,бу ҳолда ҳовузларни органик ўғитлар билан табиий озукларга бойитиш тавсия қилинади.Баъзи ҳолда, ҳовузларни сувига “инсекцидин”қўлланиши туфайли 5-6 шундан кейин балиқлантириш мумкин.

Личинка ва чавоқларни ҳовуз шароитида ,парваришlashда зараркунандалар таъсири остида нобуд бўлади ва бунга қарши курашишда (оёс)олий ёғли спирт ёрдамида фойдаланилади.Ҳовузлардан балиқ личинкаларини чиқишини 15-17% кўрсаткичга пасайтиради.

II. Ҳозирги вақтгача балиқ личинкаларини парваришlashда ноъмақбул кўрсаткич натижасига эга.Балиқ личинкаларини нобуд бўлиш сабаби бир неча омилларга:иклим шароити,сувнинг кислородлик таркиби ва етарли даражада табиий ҳовуз озуклар миқдори сабаб бўлади.Балиқчиликни ривожлантиришда долзарб вазифалардан бири балиқ личинкаларини парваришlashда ўстириш ҳовузларнинг табиий озук базасини мустаҳкамlashга боғлиқ.

Завод шароитида инкубациядан олинган балиқ личинкалари даставвал мустақил равишда ҳаётнинг биринчи кунида озук излашга қийинчиликка дуч келиши туфайли олдиндан зоопланктонларни парваришlash ҳамда озуклар билан таъминlash керак бўлади.Чавоқ балиқларнинг ҳовузларида зоопланктонлар ривожланиши учун органик ўғитлар солиниши вaм ҳовузларда мавжуд майда зоопланктонларни кўпайиши мақсадга мувофиқдир.

Тупроқнинг кимёвий таркиби бўйича сув манбасидан келадиган сув манбасидан биогенлар миқдори 3 дан 7т./ га гача органик моддасининг меъёри жорий қилинади. Органик моддаси яъни гўнг ўғити ҳовузни сув билан тўлдиришдан 30-45 кун олдин солинади.

Минерал ўғит солиниши ҳовузнинг 1 га майдон ҳисобига 50-60-кг миқдорда етарли даражадаги кислород бўлганда амалга оширилади.

III. Юқори зичлик даражасидаги балиқ личинкаларини парваришlashда уларни озукка бўлган талабини 8-10 кун мобайнида қондирилиши шарт. Кейинчалик уларнинг вазни ортиб боргач, озукка бўлган талаби ортиб боради ва уларга қушимча тарзда озукка берилди.

Янги тараққиёт технологик шароитида балиқ личинкаларини парваришlash учун юқори самарали сифатли оксил бирикмаларига бой ва қувватли озуккалар таъминоти ҳисобга олинади. Буларга озукка таркибининг 40-50%ни ҳайвонлар оксиди, 20% ни ўсимликлар ва қолган 40-50 %ни эса ҳовуздаги табиий озуккаларни ташкил қилади. Балиқ личинкаларини сунъий озуккаларга ўргатиш ўта муҳимдир. Озукани беришдан олдин ҳажм жиҳатига, яъни бир неча микро ҳажмда бўлиши керак. Карп ва лақа балиқлар личинкалари ҳамда ўсимликхўр ва сиг балиқларининг озуккасида 40/50% оксил, 3-5% ёғ, 48-50 %углевод, 3,2-3,6 % кун ва 0,5-1% клетчаткани ташкил қилади. Улар таркибига микро биологик саноат озуккалари, витаминлар ва қушимча фаол биологик маҳсулотлар қаторига киради. Парваришланаётган 1 млн личинкаларнинг 30-40 кг ўсишига сарфланган озуккасининг коэффиценти 2-3 га тенг. Бошланғич жараёнида ҳар 100.000 дона личинкалар учун 1,0- 1,5 кг озукка бериб борилади. Унча зич бўлмаган ўсимликхўр балиқ личинкаларини парваришlashда соя ундан фойдаланишда яхши натижа беради. Балиқ личинкаларини парваришlash даврида ҳар 100.000 бошига 30 кун мобайнида 120 кг озукка сарфланади. Агарда ҳар хил турли озуккалар ноёблиги туфайли майда омикта ем заррачаларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

IV. Ўстириш личинкалар ҳовузига қоидага биноан 1 га майдонга 1-2 млн карп личинкаларини ўтказилади.

Карпсимонлар ва ўсимликхўр балиқ личинкаларини ўтказиш зичлигини балиқлар –биологияси меъёрий даражаси, режали кўрсаткич бўйича муофиқлаштирилади. Ҳовузларни балиқлантириш (2,0-1,0-0,5 млндона/га) ва парваришlash даврининг ўзайишига (10-12-30-45 кун) боғлиқ бўлиб, маълум бир вазнга эга бўлишдир. (20-50-200-500 мг)

Ихтисослаштирилган ўсимликхўр балиқларни ишлаб чиқариш хўжаликларда, дўнгпешона балиқ личинкаларини парваришlashда 20-50мг тирик вазнида 4 кунлик даврида 3-4 дан 5 млн дона/га ўтказиш зичлигини ташкил қилади.

Жадвал. Ўстириш ҳовузларида карп ва ўсимликхўр балиқлар личинкасининг парваришlashда уларнинг биологик меъёрий кўрсаткичи.

№	Кўрсаткичлари	Меъёри							
		Умумий	Худудлар учун						
			1	2	3	4	5	6	7
1	1га ҳовузнинг майдони	1га,гача	Барча худудлар учун						
2	Ўртача чуқурлиги, м	1,5							
3	Ҳовуз туб қисмининг сув чиқарув максимал чуқурлиги, м	1,8							
4	Битта ҳовузга сувни тўлдириш муддати, сутка	0,5							
5	Битта ҳовузни сувдан бўшатиш муддати, сутка	1с, ортиқ бўлмаган							
6	Личинкаларни ўтказиш зичлиги, млн.дона/га	1,0-0,5	1,0	1,5	2,0	3,0	3,5	4,0	5,0
7	Парваришлаш муддатининг узайтирилиши, сутка	10-15	Барча худудлар учун						
8	Парваришланган личинка чавақларнинг чиқими,%	40-50	40	50	50	50	50	50	50
9	Парваришлаш муддатининг охирида личинка ва чавақларнинг ўртача вазни,мг	20-30	Барча худудлар учун						

Балиқларни овлаш ва ҳовузнинг сувини бўшатиш кечки пайтда амалга оширилади, қачонки, сувнинг ҳарорат даражаси пасаяди. Шунда илиқ сувсевар балиқлар личинкалари ҳовузнинг туб қисмига чуқурроқ қатламига тушади ва сувнинг оқими билан тезроқ кетади. Сув оқимини тез таъминлаш учун сув чиқарув қувурнинг диаметри 500 мм дан паст бўлмаслиги керак.

Балиқ личинкаларини узоқ масофага (транспортировка) ташишдан олдин 10-12 соат мобайнида , токи ичаклари озиқадан тозалангунга қадар сузгичга ўтказилади.Сузгичлар махсус (капрон) сунъий матодан тайёрланади. Асосан личинкаларни ташиш уларнинг масофасига боғлиқ бўлиб, чанғиларда, тирик балиқлар транспортида ва елимли халталарда амалга оширилади.Елимли(полиэтилен) халталарга 5дан 25 мингтагача личинкалар мўлжалланади.Ўтказиш меъёри личинкаларнинг ҳажми, ташиш муддатининг узайиши ва сувнинг ҳароратига боғлиқ бўлиб аниқланади.Бир сутка мобайнида ташиладиган балиқларнинг елим халтадаги зичлиги 25 минг дона, сувнинг ҳарорати 20 С дан ва тирик вазни 15-20 мг дан ошмаслиги керак. Личинкаларни ташиш жараёнида 3-5% дан ортиқ нобуд бўлмаслиги лозим.

“Темирязов” номидаги қишлоқ хўжалик академиясининг балиқчилик кафедраси томонидан, чидамли карп балиқларининг плёнка остида парваришlash янги усулини ишлаб чиқди. Бундай плёнка остида парваришlashнинг кўпроқ урчитиш ва ўстириш ҳовузларида (0,05дан 0,1 га) ўртача чуқурлиги (0,8-1,2 м) тўғри келади. Ҳовузнинг кенглиги 12 м гача, плёнка ёптирмаси 2-2,2 м сувнинг сатҳидан баланд бўлмаслиги, асосий қурилиш материали бу темир қувур 50 мм диаметр йўғонли бўлиши мумкин.

Карп балиқларининг личинкаларини плёнка остида ўстириш технологиясини амалга оширишда қуйидаги ишлар бажарилади:

Қуритилган ҳовузларга сув қуйишдан олдин керакли миқдордаги ўғитлар, кг/га ҳисобида солинади: 175 кг-калий, 300 кг- фосфор ва 150 кг азот. Тупроқнинг ҳарорати 1-2 С га етказ сули-виноси аралашма ҳолда; вика- 150-200 кг ва 75-100 кг сули уруғи 1 га майдонга экилади. Сув қуйишдан олдин ҳар бир 1 га майдонга гўнг билан ўғитланади. Сув қуйилгандан сўнг ҳар бир вика уруғи тезда чирий бошлайди ва зооплактонлар ҳамда бактерияларни ривожланишига сабаб бўлади. Ҳовузларга сувни тўлдиргач 1-3 кундан сўнг, баъзи ҳолларда кислород меъёри ёмонлишиши натижасида 3-5 кун муддатдан кейин личинкалар ўтказилади. Ҳовуздаги сувнинг тиниқлик ҳолати ортиб борса, ҳовузни ўғитлаш талаб қилинади. Икки ҳафталик балиқ личинкаларини парваришlashда ўртача тирик вазни 80-100 мг, 2-6 млн. дона/га зичлик ўтказиш кўрсаткичига эга бўлади. Личинкаларнинг ўртача сақланиб қолиши 70-90% ташкил қилади.

Охириги вақтда ўстириш ҳовузларда табиий шароитда балиқ личинкаларини парваришlash-ўстириш, анъанавий усул қаторига янги: завод, махсус мосламалардан фойдаланиш, личинкаларни парваришlashда қайта ўтказиш усуллари барпо этилди. Ҳар қайси усулларнинг ижобий ва салбий томонлари мавжуд. Личинкаларни парваришlashда ҳозирги замонавий балиқчиликнинг асосий топшириқларидан хорижий мамлакатлар технологиясига биноан ўз ватанимизда балиқчиликни жадаллаштириб такомиллаштиришдан иборат.

14- МАВЗУ: Балиқларнинг ўсиш ва ривожланишини ҳисобга олиш.

Ҳовуз балиқларининг тана тузилишининг, экстрем кўрсаткичларидан тананинг баландлиги билан йўғонлик нисбати ҳисобга олинади. Наслдор карп ва (созан) зоғора балиқларда семизлик коэффисентини аниқлаш мушкулдир. Балиқларнинг тана узунлигини оғзининг тумшук учидан бошлаб танасининг тангачаларининг тугаш қисми яъни орқанги дкмнинг бошланиш қисмигача олинади.

Агар қорин бўшлиғининг тана узунлиги 50.4 см ва баландлиги 18 см га тенг бўлса бу ҳолда унинг нисбий баланлиги $2.8 = 50.4/18$ тўғри келади.

Балиқларнинг семизлик коэффициенти т/в тана узунлигини бўлинишини 100 маротаба катталаштирилган ҳолда III даражали танасининг узунлиги аниқланади.

Агар ўша учун карп балиғи 3840 гр семизлик коэффициенти, т/в бўлса бунда $3 = 3840 \cdot 100 / 50.4$ га тенг бўлади.

Балиқлар танасининг йўғонлик нисбати узунлик кўрсаткичларининг фоиз ҳисобида ифодаланади. Масалан, балиқнинг тана узунлиги ўша кўрсаткич (50.4 см) ва танасининг йўғонлиги 10.1 см бўлса у ҳолда $20\% = 10.1 \cdot 100 / 50.4$ га тенг бўлади.

Карп ва созан балиқларининг семизлиги ва экстрер кўрсаткичи.

Балиқлар турлари ва уларнинг экстрери		Танасининг баландлик нисбати. см	Тананинг йўғонлик нисбати. %	Семизлик коэффициенти
Карп	Урғочи	2,8-2,6	20-24	3,2-2,4
	Эркак	2,9-2,7	19-23	3,0-3,2
Зоғора	Урғочи	3,0-2,9	20-22	2,5-2,7
	Эркак	3,1-3,0	19-21	2,5-2,7

Тананинг индекс тузилишига, уларнинг насли хусусиятини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қуйидаги кўрсаткичларга эга:

- 1) Баланд орқалилиги — тана узунлигини тана баландлигининг нисбати;
- 2) Йўғонлилик — тананинг йўғонлилигига, тана узунлигига алоқадорлигини 100 га кўпайтмаси;
- 3) Катта бошлик — бошини узунлигини, тана узунлигининг 100 га кўпайтмасига тенг;
- 4) Семизлик — т/в тана узунлигининг 100 га кўпайтмасига тенг;
- 5) Айланмаси — тана узунлигини тана айланмасининг тенглиги;
- 6) Гўштдорлиги — т/в нинг тана узунлигига алоқадорлиги.

Бундай тадбир (танасини ўлчаш ва тортиш) учун қуйидаги керакли жиҳоз ва транспорт воситасидан фойдаланилади: стол тарозиси, почта туридаги ВНП-50, ўлчагич доска 100*30*20 см ҳажмдаги, ўлчагич лента, махсус қўлқоп, махсус 50-70 см узунликдаги брезент қопча- балиқларни яқин масофага ташиб ўтказиш учун, қўл аравачаси ва замбил ишлаб чиқариш балиқларни 100 м га ташиш учун ҳамда 500 м масофага люлкада транспортировкаш.

15-МАВЗУ: Осётр балиқларини урчитиш ва ўстириш усуллари.

РЕЖА:

1. Осётрсимон балиқларнинг биологик хусусиятлари.
2. Осётрсимон балиқларни туркуми.
3. Стрелядь балиқларининг тавсифи.
4. Осётр балиқларининг тавсифи.

Осётрсимон (белуга стрелядь, колуга, шин, осётр, севрюга) жуда кимматбаҳо ҳисобланади. Уларнинг гўшти асосан икра (уруғи) ўзининг юқори даражадаги озуқа ва сифатли таъми билан ажралиб туради. Ҳовуз балиқчилигида стрелядь ёш балиқ чавақларини табиий сув хавзаларидан ушлаб олиб сунъий равишда ўстириш мумкин. Ҳозирги вақтда минтақамизда осётрсимон ва уларнинг дурагайларини ҳовузлардан ўзаро урчитиб ўстириш тажрибавий кузатув ишлари олиб борилмоқда.

Стрелядь балиқларининг танаси жуда майда тожисимон доналар билан қопланган. Оғзининг пастки лаб қисми узилган шаклда бўлиб, мўйловлари попкли бўлади. Танасининг орқа қисми, ён қисми ва қорин қисмлари сон сон жиҳати бўйича қатор-қатор қўнғизча шакл қопламдан иборат.

Стрелядь балиқлари асосан Қора, Оқ, Каспий, Карсн денгизларининг қуйи қисми дарё бассейнларида кенг тарқалган. Бу балиқлар ўзи оқар совуқсувларда ва янада карпсимон балиқлар ҳовузида ҳам яхши яшаб ўсиш хусусиятига эга. Стрелядь балиқлари учун сергўшт ва лойқали ҳовузларда ўстириш ва урчитиш тўғри келмайди. Бундай ҳовузларда стрелядь ва уларнинг маъзаси ҳам ноҳуш ҳид бериши ҳамда булар ўсимликларга чалкашиб қолиб нобуд бўлиши мумкин.

Агарда бу балиқларга яхши шароит яратилиб ҳовузларда парваришланса, табиий дарёларга нисбатан яхши натижага эришиш мумкин, шунда 1 м² ҳажмдаги сувга 7 г бентос (хронолид, олигохон) организмлардан тўғри келади.

Стрелядь балиқларнинг урғочиси 7-9 ёшда ва эркак балиқлари эса 4-5 ёшда жинсий вояга етади. Бу балиқлар асосан май-июнь ойида сувнинг ҳарорати 10-12 °С урчитилади. Урғочи балиқлари 4-138 минг дона уруғ (икра) беради. Табиий шароитда тез оқар сув хавзаларининг энг чуқур қисмининг қаттиқ тупроқ қатламига ўзининг уруғини қўйиши билан урчийди, чунки бу балиқларнинг уруғи ёпишқоқ бўлиб, сувнинг ҳарорати уруғининг ривожланишига таъсир этиб, 6-11 кунда инкубатор жараёни белгиланган.

Стрелядь балиқлари ҳовузларнинг тубида асосан кумли ҳудудида чиғаноқлар , чувалчанглар, хроналид личинкалари ҳамда камдан-кам ҳолларда зоопланктонлар ва сунъий (омихта ем, кунгабоқар кунжараси ва бошқалар) озуқалар билан озиқланади. Уруғдан ажралиб чиққан балиқ личинкалари кучсиз оқимга эга жойларда майда олигахетлар, хроналид личинкалари ва моллюскалар билан озиқлантирилади. Стрелядь балиқлари

серўт худудларга кирмайди, майда бу йилга балиқларни қўшмасдан ўстирилади, бу балиқлар узок масофага транспортировка қилишда ўзини ёмон ҳис қилади.

Кўп йиллик МосДУ олимларининг тажрибасида осётр ва стрелядь гибридарини ҳовуз балиқчилигида яхши ўсиши ва қишлоқ ҳовузларини яхши ўзлаштирилиши исботланган.

16-Мавзу: Карпсимон балиқларни сунъий урчитиш

РЕЖА:

1. Завод усулида карп ва ўсимликхўр балиқларни такрорий ишлаб чиқариш.
2. Балиқ уруғ (икра) ларини ёпишқоқлик ҳолатини йўқотиш.
3. Ҳовуз балиқчилигида ишлаб чиқариш жараёни.
4. Карпсимон ва ўсимликхўр балиқларнинг ривожланиш даври.

I. Балиқчиликни жадал ривожлантиришда завод усулида такрорий ишлаб чиқариш технологияси ҳозирги замон талабига жавоб беради. Балиқларни урчитишда ва насл олишда “анъанавий” усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Балиқларни такрорий ишлаб чиқаришда завод усулида ишлаб чиқарувчи ота ва она ҳамда улардан олинган наслларни биргаликда сақлаш тақиқланади, чунки балиқ личинкалари завод усулида олинган бўлса, бу ҳолда улар юқумли ва юқумсиз касалликларни кўзгатувчилардан озод бўлади. Завод усли урчитиш ҳовузлардан бош тортиши мумкин бўлиб, бир текисда эркак балиқлардан фойдаланилганлиги учун ҳам ёзги ва қишги она балиқлар ҳовузини майдонини қисқартириш мумкин.

Завод усулида олинган барча балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида тарқатиш ва сотиш имконига эга.

Самарали термобошқарув системасини жорий қилишда балиқларни ўсиш даврини, наслни эрта олиш ҳисобига бир ой мобайнида узайтириши ва ўстириш ҳовузларида балиқ маҳсулотларини кўпайтиришга ҳамда товар балиқларининг ишлаб чиқариш иқтисодий кўрсаткичини оширади.

Завод усулида балиқларни такрорий ишлаб чиқариш учун кўпинча тажриба ва балиқлар олами ҳамда кўпайиш биологиясини чуқур билишни талаб қилади. Шунга асосланиб баъзи бир карп ва ўсимликхўр балиқларни табиий шароитда урчиш хусусияти кузатилади.

Мавжуд карп зоти ва зот гуруҳининг асосчиси зоғора балиқ ҳисобланади. Карп балиқлари илиқсувсевар ҳисобланиб, баҳор-ёз ойларида урчидиган бўлиб, шароитга қараб бир вақтда ёки бўлак-бўлак уруғ сочади. Карплар одатда уч ёшида эркаклари ва тўрт ёшда урғочилари жинсий вояга етиб, улар фитофил усулида уруғларини ёпишқоқ ҳолатда кўяди.

Ихтиолог олим Г.В. Никольский 1974 йил ўзининг изланиш кўрсаткичига асосланиб, жинсий вояга етган ҳамма турдаги балиқларни бир нечта босқичга ажратди.

I босқич — тўлиқ жинсий вояга етмаган балиқлар. Жинсий безлари рангсиз бўлиб, чиқарув деворига ёпишган.

II босқич — айримлари урчишдан кейин жинсий маҳсулот етилиши ёки ривожланиши. Тухумдони ярим тиниқ бўлиб, ўртасидан йиринг қон томири ўтади, овоцит даврида протоплазматик ўсиши кўз ёрдамида кўрилади, уруғдони зич кўриниш ва ёруғ рангда ифодаланади.

III босқич — жинсий безлари етарли ривожланган ва кўринишга эга, лекин ҳали етилишига бор. Тухумдони қорин бўшлиғининг ярим қисмини эгаллаган ва майда хирароқ овоцитлар сариқ рангда, кўзи тўйинмаган кўринишда.

IV босқич — жинсий безлари деярли ёки меъёрида тўлиқ ривожланди. Овоцитлари йирик, алоҳида енгил аниқланади, трофплазма ўсиши тугалланган, шаклланган қобикга эга, тухумдонлар ранги сариқ, уруғдон максимал даражадаги ҳажмга эришди, оқ-сут рангида ва уруғдон каналида ҳам сперма мавжуд.

V босқич — ишлаб чиқарувчи балиқларда томчилаб туради. Уруғ ва сперма жинсий йўлидан бемалол оқади. Уруғи тиниқ рангда, оталантириш хусусиятига эга, улар фолекуляр қобикдан ажралиб чиққан ва овоцитлар тухумдон бўшлиғига тушади. Уруғдонда суюқ модда ҳосил бўлиб, бу уруғларни суюлтириб, оқим томишини ҳам таъминлайди.

VI босқич — урчитилган ишлаб чиқарувчилар. Тухумдон ва уруғдондаги нам ва пачоқ, кучли шамоллаган ва қон билан тўлган.

Урғочи балиқларнинг маҳсулдорлиги кенг миқёсда уларнинг тирик вазнига, баъзилари 1.5 млн ишлаб чиқариш маҳсулдорлиги 400-500 уруғ беради. Вояга етган уруғ, уруғдондаги 1 мм диаметрга эга. Жадал ва самарали урчиши ўсимликка сийрак, унча чуқур бўлмаган 1-1.2 м ва сувнинг 18-20 °C ҳароратида кузатилади. Карпларнинг уруғлари ёпишқоқлик хусусиятига эга бўлиб, ўсимликларга ёпишган ҳолда эмбриогенез ривожланиш шароитига боғлиқ.

Эмбрион муртак даврининг чўзилиши инкубация сувининг илиқлик тартибли даражаси етарли кенг миқёсда боғлиқ. Масалан: сувнинг 15 °C ҳароратида эмбрионлар 5 суткадан кейин, 20 °C ҳароратида эса 3 суткадан кейин эмбрионлар тухумдан ажралиб чиқади. Эмбрион ёки личинкалар ёпишқоқ ҳолда, 5 мм узунликда бўлиб, тухум сариқ қопчасидан озиқланади. Личинкалар ҳаётининг ўнинчи кунидан бошлаб тўлиқ майда шаклдан зоопланктонлар билан озиқланади.

Завод усулида инкубация жараёнида карп тухумлари ҳар хил инкубация аппаратларидан қайта ишлов бериб фойдаланилади. Карпларни завод усулида инкубациялаш технологик жараёнидан қатъий назар, олдиндан инкубациялаш, қатор кетма-кетлик ўхшашлиги таркиб топади. Эрта баҳордан бошлаб, музлар қишлоқ ҳовузларида еригач,

ишлаб чиқарувчи балиқларни обдон кузданкечиради. Баҳорги бонитровка жараёнида ишлаб чиқарувчи эркак ва урғочи балиқларни жиддий кўриқданўтказилади ва нолойиқларини (касал, жароҳатли, нуқсонли ва бошқалар) яроқсиз ҳисобланади. Шу билан биргаликда жинсига қараб балиқларни алоҳида ҳовузларга ажратилади. Баъзи ҳолларди бўшатиш қишлоқ ҳовузларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Такрор ишлаб чиқаришда урғочи балиқларни танлашда қуйидаги белгиларига амал қилинади: қорни сезиларли катталиқда, гавдасининг ҳудудида кўкрак ва орқа сузгич оралиғи ингичка, юмшоқ, ёғ қатламсиз, танасининг ташқи юқори қисми ялтироқ, шилимшиқ парда билан яхши қопланган. Эркак жинсни танлашда эса қуйидагилар инобатга олинади: қорни орқа қисмига қараганда сезиларли даражада тор; гавдасининг қисми кўкрак ва орқа сузгичлар оралиғи зич; йўғон; танаси қаттиқ ва гўштдор; жабра қопқоғининг ташқи қисми, қорин ва орқа сузгичларида ғадир-будирлик, юмшоқ оҳиста босган оқ суюқлик чиқиши ва жинсий тешиги тор ҳамда ранги бўзарган. Ишлаб чиқарувчилар такроран жинсий белгилари намоён бўлса у ҳолда улар яроқсиз деб топилиб, кейинчалик такрор ишлаб чиқаришда номуносиб деб кўрсатилади. Урчитишдан олдинги ҳовузларга ўсимликларга янги қуйилган гўнгдан фойдаланиб беихтиёр равишда балиқларни урчитишни олдини олиш, ҳамда йўл қўймаслик керак. Ишлаб чиқарувчи урғочи ва эркак балиқларни банитировка ва ўтказиш ҳамда ҳар хил зотлар ичида икка гуруҳни яратиш кўзда тутилмоқда:

I.гуруҳда — ишлаб чиқарувчи балиларни яққол даражадаги такрорий жинсий белгиларини намоёнлиги, урчиш мавсумига юқори даражада тайёрлиги;

II.гуруҳга — ишлаб чиқарувчи балиқларни жинсий белгиларини такрорий ҳолда намоён бўлиши, урчишга тайёрлиги сушт.

Завод ушилида урчитиш технологияси навбатдаги қатор давр ва ишларни ўз ичига олади: I. — тайёрлайдиган — барча инкубация тармоқларини текшириш, тайёрлаш ва ишлаб чиқарувчи балиқларни баҳорги банитировкаси, уларни урчитиш мавсумига сақлаш ва озиклантириш; II. — инкубация цехларида ҳақиқатда ишлар гипофезар (инъекция) эмламани ўтказиш, (икра) тухумларини танлаш ва оталантириш, инкубациялаш личинкаларни олиш ва ўтказиш; III, — якунловчи — тузумдан ёриб чиққан личинкаларни сақлаш уларни тухам сарниғини халтачада суришини назорати ва кузатиш, қулай шароитлар билан таъминланиши, личинкаларни ҳовузларга ўтказиш ёки бошқа ташкилотларга беришни амалга оширишни ташкил қилиш.

Тухум (икра)ларни ёпишқоқлантириш усули. Карпларнинг (икра) тухум уруғлаври хаддан ташқари ёпишқоқлиги билан фитифил, яъни ўсимликларга уруғ сочади. Уруғни ёпишқоқлик хоссасидан холи қилиш учун ПАС – Г ва такин припаратидан фойдаланилади. ПАС – Г припаратидан 50 грамм кукунини 1 литр физиологик қоришмага

аралаштириб хона ҳароратида 3 соат мобайнида тиндириб вақти – вақти билан қориштирилиб туради. Қоришмани аслида сирли идишда тайёрлаш лозим бўлади.

Иккинчи эритма бу сувли такина эритмаси ҳисобланади. Бачадон эритмасина 10 грамм кукуни илитилган ва дистирланган сувга қуйиш йўли билан тайёрланади. Ишчи такина эритмасини, бачадон эритмасини 10 хил ҳовуздаги сувининг қоришмасидан олинади. Охирги йилларда уруғ – тухумларини ёпишқоқлик ҳолатини йўқ қилиш мақсадида минерал заррачалардан (суспезия талька) фойдаланилмоқда. Тайёрлаш учун 100 г минерал талька ва 20-25 г ош тузи билан 10 л ҳовуз сувини қўшиб яхшилаб аралаштирилади.

Уруғни сирли идишга олиб, уруғлантириш “курук” русс усулида олиб борилади. Олдин уруғни сперма билан аралаштириб, кейин 100 мл эритма қўшилиб, биргаликда оталантириш жараёни олиб борилади. Уруғларни ёпишқоқлантириш жараёни 30-40 дақиқа 20 °C ҳароратида давом этади. Кейин эритмани қисман тўкиб ташлаб, такин эритмаси қўшилади ва 25-30 дақиқа давомида тўлиқ ёпишқоқлик ҳолати кетади. Ёпишқоқлик ҳолатини тўлиқ бартараф қилинганлигини хоҳлаган бир шиша идишга маълум бир бўлаги ҳовуз сувидан олиниб, солинади ва 5 дақиқа ичида секин-асталик билан чайқатилади ва уруғнинг ёпишқоқлик ҳолати шиша деворига ёпишиш ва ёпишмаслиги билан кузатилиб текширилади. Уруғларни сўнгра, шу эритма билан биргаликда инкубацияга қўйилади.

Карпларни урчитиш усулининг янги технологияси ишлаб чиқарувчи балиқларни 4-5 сутка мобайнида оптимал ҳарорат даражасида ҳар хил физик-кимёвий шароитида мақсадга мувофиқ равишда парваришлаш зарурият туғдиради.

17-МАВЗУ: Йиртқич балиқ турлари, уларни урчитиш ва кўпайтириш.

РЕЖА:

1. Чўртан балиқларни ўстириш ва урчитиш.
2. Оқ сила (судак) балиқларни ўстириш ва урчитиш.
3. Лаққа балиқларни ўстириш ва урчитиш.

I. Замонавий ҳовуз балиқчилиги ҳозирги кунда нафақат ихтисослашган балиқчилик майдонларида, балки бошқа бир (сув) фойдаланиладиган гидрологик сув иншоатлари ёки мақсадларида ҳам балиқчилик йўлга қўйилади.

Бундай доирадаги сув хавзаларидан балиқчилик тармоғида самарали фойдаланишда қимматли ҳар хил балиқларни ўстириш ва урчитиш қўлланмасига биноан ҳовузларда зарур мелиоратив ишларни қилиш

маълум бир таркибий қисмини қимматли йиртқич балиқларни ўтказиш, кам маҳсулдор ёки дайди балиқларни йўқ қилиш ва ўша сувдаги ихтиофауна заракунандаларидан ҳоли бўлиш ҳамда рақобатлашувчи балиқларни биргаликда иқлимлаштириб ўстириш ва озиклантириш мақсадга мувофиқдир. Бу барча салбий ходисаларнинг пайдо бўлишини бартараф қилиниши токи уларни минимум бир-бири билан таққослаб малакали равишда йиртқич балиқларни (поликультура) кўп маданий балиқлар лаққа, чўртан, судак ва бошқалар. Ўтхўр, буффало ва бошқа хилдаги балиқлар билан ўстириш шароитини яратишдир.

Оддий чўртан балиқларни илиқсув йиртқич балиқлари бўлиб, чучуксув хавзаларида етиштирилади. Чўртан балиқлари секин оқар, дарёга қуйилиш ва ўтлоқли кўлга ўхшаш сув хавзаларида ўсишни афзал кўради, 3-4 ёшда жинсий вояга етади. Чўртанлар биринчи ёшида тез ўсиши жинсий етилишига қадар амалга ошади. Кўл ва дарёларда эркин табиий ҳолда бу йилги балиқлар 100 г икки йиллик балиқлар 1 кг ва уч йилликлари 1.5-2 кг га тенг. Тажрибада ҳовуз балиқчилигида тахминан 4-5 марта юқори ўсишга эришиш изохланди. Озуқа сероп ҳовузларда ўртача ҳолда шу йиллик балиқларнинг вазни 450 г, айримлариники 500 г ҳаттоки 800 г га етди. Чўртанлар қиш пайтида озикланади. Шу йиллик чўртан балиқлари бир кг ўсиши учун 3 кг балиқлар билан озикланиши керак. Балиқ личинкалари яйратиш ҳовузларида сув қўнғизлари, клонлар, ниначи, курбақа, итбалиқ ва дайди ёки бегона балиқлар билан озикланади. Чўртанлар ҳовуз муассасаларида қимматли ўзининг гўшти ва ўзининг биологик мелиорация хусусияти билан ҳовуз балиқчилиқ карп маҳсулотларини кўпайтириши ва рақобатдошларини йўқ қилиш билан фарқланади.

Чўртанлар эрта баҳорла сувнинг 3-6 °C ҳароратда увилдириқ сочади. Уруғ бериш маҳсулдорлик кўрсаткичи 17.5-215 минг донагача бўлиб, фитофил усулда уруғ сочади, баъзи ҳолларда алоҳида она балиқлари катта ёшдаги 1 млн гача уруғ беради. Урчиш жараёнида ишлаб чиқарувчи балиқлар бир неча гуруҳни ташкил қилади, бир бош урғочи она балиққа 2-8 бош эркак балиқлар бириктирилади. Эмриогенез даври сувнинг ҳароратига боғлиқ бўлиб 8-14 кунгача чўзилади. Личинкалар уруғ тухумдон 6-7 мм узунликда ёриб чиқиб сариқ халтачасидан ажралиб чиқгач зооплантонларга озикланишга, кейинчалик эса 12-15 мм етгач бошқа балиқларнинг (икра) уруғи ёки тухумдони ҳашоратлар ва 5 см ҳаётий даражасида майда балиқлар билан озикланади. катта ёшдаги балиқлар алоҳида платва, оқун, карастлар, лицлар пескарълар, курбақалар ва алоҳида ҳолларда майда сув хавзаларида сузувчилар билан ҳам озикланадилар. Тўлиқ системадаги балиқчилиқ хўжаликларида ўзининг хусусий ишлаб чиқарувчи балиқларни сақлаш ва улардан (пасада) баликлантириувчи материаллар олиниши кутилади. Табиий, ўстиришда, ҳовузларда урчитишда ҳовузлардан ҳар бир уядан 5-10 минг дона ўртача ҳисобда ёш балиқчаларини олиш мумкин. Эркак балиқлари нисбатан

майдароқ тана кўринишига эга бўлиб, жуда кам микдорда сутга ўхшаш сперма, бўлак-бўлак беришга қодир. Яхши авлод олиш чўртан балиқларини табиий ҳолда ўсаётган катта ёшдаги балиқларни дарё, кўл ва сув омборларидан ушлаб келтириб, биринчи шу йиллик балиқларни карп балиқлар билан биргаликда ўстирилади. Чўртанларни авлод бериш учун танлаш нафақат барча йирикларини танлаш, балки ўрта ҳажмдаги балиқларни ҳам танланади, чунки урғочиларини нисбатан йириклашиши ва фақат урғочиларини танламаслик учун олиб борилади. Уларнинг ўртача тирик вазни аниқланганидан сўнг ҳар қайсисидан 5 бошдан шу йилги балиқлар ажратиб олиб, иккинчи йили таъмирловчи ёш чўртанларни ока карплар ҳовузида ўстириш мумкин, қачонки карп ва карас балиқларининг личинка ва чавақларини еб ҳовузни майда аралаш балиқлардан тозалайди. Чўртан балиқларини қишлоқ ҳовузига ўтказишда, бир бошқа 15-20 шу йилги кумуш караслари биргаликда ўтказилади.

Чўртанларни ҳовузларда табиий урчитиб, ҳар бир уялардан ўртача ҳисобда 5-10 минг бош чавақлар олиш мумкин. Увилдирик сочиш жараёнида ҳар бир 300 м² ҳовузга битта уя қўйиш керак бўлади ва ишлаб чиқарувчи балиқлар ҳовузга 2-3 чи ўтказилган кундан бошлаб увилдирик сочиш бошланади. Каммахсулот личинкалар чиқиши уларни ҳовузда узок сақлашда ўзларини личинкаларини еб қўйиши натижасида содир бўлади.

Бунинг учун ёш чўртан балиқларини сақлаш микдорини кўтаришда урчитиш ҳовузини озуқа билан таъминлаш ва ҳовузнинг бир қисмини майда катакли тўр билан ўраб қўйиш тавсия қилинади ва у ерга 10-12 бош вояга етган окунь балиқлари ўтказилади. Окунь балиқлари бир кунга кечроқ личинкалар уруғдан ажралиб чиқа бошлайди ва чўртан ёш балиқ чавақлари унга озуқа бўлади.

Озуқа етарли даражада бўлмаса ёш чўртан чавақларида эзилиш бўлади.

Ёш чавақ балиқларини ҳаётининг 15 кунидан бошлаб яйратиш ҳовузига ўтказишдан олдин, ҳовуз ўсиб кетган ўтлардан қисман ўриб ташлаб тозаланиб, кейин эҳтиёткорлик билан ёндошиб сувини имкон қадар янги сув билан оқизиб махсус ушлагич ёрдамида ушлаб олиб, суви ҳовуздан чиқазиб юборилади.

Махсус инкубациялаш йўли билан чўртан балиқларини такрор ишлаб чиқаришда кўпгина чавақ балиқларини олишда 50 минг дона ҳар бир она балиқдан личинкалар сақлаб қолиш эҳтимоли мавжуд. Эркак чўртан балиқлари эрта ёшда етилиши муносабати билан, уларни алоҳида ҳовузларда ўстириб сунъий йўл билан сперма олиб урғочи балиқлари жинсий вояга етгунга қадар сақлаб қўйилади. Битта шиша идишга 5-7 бош эркак балиқнинг спермаси (молук) жойлашади. Ҳар бир эркак балиқларидан 3-5 марта сперма олиш мумкин. Мана бундай бўлак-бўлак сперма олишда уларни сунъий урчитишда қийинчилик туғдиради.

Йирик бўлган ҳовузларда: масалан, кўл, кўлтиқ ва дарёларнинг оқимидан ҳосил бўлган кўлларда, яъни икки йил ичида бир маротаба сув

чиқариладиган 1 га майдон ҳисобига 300-400 дона чўртан чавақлари ўтказилади. Жинсий оқ сила 3-4 ёшида етилади.табiiй шароитда эркак балиқлари 0.5-0.8 м чуқурлигида уя қуришда ва уруғларини ҳимоялашда ҳамда авлодини кўриқлашда ташаббус кўрсатади. Увилдириқ сочиш сувнинг ҳарорати 8-18 °C амалга оширилади. Маҳсулдорлик уруғ бериш кўрсаткичи 82 – 1185 минг донага тенг.

Уруғи (икраси) ёпишқоқ, микроорганизмларга бой озиқаларда оқ сила балиқлар эмбрионал 6-10 кунда ривожланади.

Оқ сила балиқлари одатда оксифил бўлиб юқори даражадаги кислородга талабчан ҳовузларда ўстириляётган оқ сила балиқлари учун 4.0 мг/л кўрсаткичдан паст бўлса у ҳолда балиқларни маданийлаштиришда фойдаланиб бўлмайди.

II. Оқ сила (судак) балиқлари йиртқич иликсувсевар балиқлар ҳисобланади. Увилдириқ сочиш ҳарорат даражаси 8-18 °C.

Оқ сила балиқлари бошқа балиқлар билан биргаликда ўстиришда, балиқлантириш материаллари билан тақсимланиш ва уларнинг биологик урчиши ва кўпайиш хусусиятини табiiй шароитда кузатилади.

Оқ сила балиқларидан биотехника ёрдамида балиқ маҳсулотлари етиштириш қуйидагича олиб борилади (Ф.М.Сухоерхов, А.П.Сиверцов 1975).

1) Ишлаб чиқарувчи балиқлар учун махсус сунъий урчитувчи мосламалар ўрнатилиши. Оталантирилган уруғларни сунъий мосламалар ёрдамида ҳовузларга шу йилги балиқларни ўстириш учун ўтказилади. Эмбриогенез даври тугагач улар личинкалари тухумдан ёриб чиққач ҳовуз учун оқ сила бошланғич балиқлантириш материали ҳисобланади;

2) Ёш оқ сила чавақ балиқларини 40-46 суткаликигача ўстириш ёки махсус ихтисослаштирилган балиқчилик хўжаликларида такрор ишлаб чиқариш ва оқ сила личинкаларини ўстириш;

3) Маълум бир балиқчилик хўжаликларида шу йилга балиқларни таъминлаш, шу йиллик балиқларни айнан табiiй сув хавзаларида овлаш;

Она оқ сила балиқларини шакллантиришда асосан икки йиллик яйратгич ҳовузларда ўсаётган балиқларни экстрер кўрсаткичлари бўйича танлаш ва она балиқлар гуруҳ ўтказиш ҳамда улардан ишлаб чиқарувчи балиқларни таъмирловчи ва қишлоқ ҳамда ёзлов ҳовузларидан унумли фойдаланиш.

Ишлаб чиқарувчи балиқларни танлаш жараёнида уларни тўлдириш ва урчитиш ҳовузига ўтказишдир. Уяларга бир дона она балиқга 2-2.5 кг ва 2 дона эркак 1-1.5 кг тирик вазнига тенг балиқлар бириктирилади.

Баҳорги даврда ишлаб чиқарувчиларни жинси бўйича табақалаш қуйидаги белгиларга: эркак балиқлари тор, букчайган тана, ранги сарғич тилла товланишдан, оҳиста равишда қорин қисми босилиши туфайли сперма чиқишидан тузилган; урғочи оқсила балиқларининг қорни бўртиб чиққан йўғон, танасининг ранги тўриқ кумуш товланишга эга. Ҳар хил

ёшдаги эркак ва урғочи балиқларни саралаш тажрибада мақсадга мувофиқ деб кўрсатилган. Эркак балиқларнинг катта ёшдагиларидан фойдаланиш мақбул. Мана шу йўл билан уруғларни оталантириш миқдори ортиб, оқ сила балиқларнинг такрор ишлаб чиқариш умумий натижага таъсири бўлиб, ҳаётчан ёш оқ сила балиқларни ўстиришдир.

Агар уч сутка мобайнида балиқларнинг увилдирик сочиши амалга ошмаса, у ҳолда ишлаб чиқарувчи балиқлар зудлик билан сунъий (субстрат) микроорганизмлар муҳити билан таъминлаб қайтадан урчитиш ҳовузига ўтказилади. Урчитиш ҳовузи сифатида 200-400 м² ҳовузга 2 м чуқурликда бўлиб, тагини қум ёки майда тошлар ва шағаллар билан таъминланади, кейин сўндирилмаган оҳак билан ҳовузга ишлов бериб, сўнгра сув билан тўлдирилади. Балиқлар увилдирик сочадиган жойи, стол (каркас) қобирға квадрат шаклдаги, 0.5 м баландликдаги конструкциядан иборатдир. Бу қобирғали стол атрофига тол дарахтининг шохларини тўкиб чиқиб, тошлар билан бостирилиб, устидан сув қуйиб, ишлаб чиқарувчи балиқларни ўтказилади. Бундай конструкцияга оид уяларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш, тозалаш ва бошқатдан керакли жиҳозларни алмаштириш имкони бўлмагани учун қулай томонлари мавжуд.

Эмбриогенез даврида сувнинг сувнинг секин оқишини уруғ сочишдан олдин бартараф этилиши лозим, аксинча уруғ ва личинкалар очиб кетиши туфайли нобуд бўлиши ҳамда миқдор жиҳатидан камайиб кетишига олиб келади.

Личинкалар 14-21 суткаликёшига ва 2-3 см узунлигига етгач махсус ушлагичлар ёрдамида эҳтиёткорлик билан ушлаб ўтказишга тўғри келади.

Ҳозирда оқ сила балиқларининг чавақларини, карп балиқларини шу йиллик ёки икки йилликлари билан биргаликда кўшиб ўстириш кенг тарқалмоқда. Аммо оқ сила личинкаларини карп товар балиқлари билан биргаликда ўстирилса яхши натижага эришилади. Карп балиқларининг шу йилгилари билан ўстиришда оқ сила балиқлар личинка-чавақлари 10 минг дона/га, икки йилгилари билан 15 минг дона/га, ўстириш жараёнининг якунида шу йилги оқ сила балиқларининг чиқими 50 % ва 12-15 г тирик вазини ташкил этди.

Оқ сила балиқларни қишлоғга ўтказишда шу йиллик ёшидаги балиқлар 200 минг дона/га ҳисобиданзичлиги бўйича ўтказилади. Қишдан чиққан бир ёшли балиқларни яйратиш ҳовузига кўчириб балиқлантириш мумкин. Фақат доимий равишда ҳовузларининг ҳолатини ва сувнинг оқимини назорат қилиши лозим.

III. европа лаққалари кенг тарқалган бўлиб, улар илиқсувсевар ва чучук сувларни хуш кўрадиган йиртқич балиқлар ҳисобланади. Лаққа балиқларининг личинкалари бошланишида планктонлар ва ўсш жараёнида аста-секин сув ҳашоратлари ҳамда балиқлар, қурбақалар,

сичқонлар, кейинчалик йирик лакқалари ҳаттоки сувда сузувчи қушлар ва ҳайвонлар билан ҳам озиқланади.

Лакқа билиқлар 4-5 ёшида жинсий етилади. Уруғлари (икраси) ёпишқоқ ҳамда сарғиш рангда бўлиб 2-3.5 мм диаметрга эга. Уруғ бериш маҳсулдорлик кўрсаткичи ҳар 1 кг тирик вазнига 20 минг дона тўғри келади. Увилдирик сочиш сувнинг ҳарорати 18-20 °С даражасида, саёз ва ўта секин оқувчан сув бўлиши керак. Лакқа балиқларнинг увилдирик сочиш жараёнида икки жинс ҳам биргаликда бўлиши, кейин урғочи лакқа уруғ сочган жойни тарк этиб орадан бир сутка ўтгач, эркак лакқа балиқ оталантиради ва тухум личинкалар ажралиб чиққунга қадар ҳимоялаб кўриқлайди.

Лакқалар — ҳовуз балиқчилигида истиқболли маскан ҳисобланади. Улар бошқа йиртқич (оқ сила, чўртан) балиқларига қараганда афзаллик томонлари мавжуд. Лакқалар кенг ҳовузларга муҳтожлиги йўқ бўлиб, улар чуқурликда, каналлар, карьеллар шунга ўхшаш гидрокимёвий режимга мослашиб кетади. Бу балиқларга ҳаттоки қишлов ҳовузлари ҳам зарурат туғдирмайди, аксинча қайерда, қайси ҳовузда ўстирилса ўша жойда урчиш ва кўпайиш хусусиятига эга. Лакқалар учун катта (диапазон) чегарадаги озиқа миқдори керак бўлиб; дайди хашаки балиқлар, қурбақалар ва йирик умуртқасиз ҳайвонлар ҳамда ҳовузлардаги мавжуд барча озиқ манбааларидан фойдаланади.

18-МАВЗУ: Тирик балиқларни ташиш ва унинг усуллари.

Режа:

1. Тирик балиқларни транспортировкалаш.
2. Балиқларни ташишда ишлов бериш ва даволаш профилактика усуллари қулланиши
3. Балиқлар уруғини транспортировкалаш
4. Транспорт воситаси ва жихозлари.

Балиқчилик тармоғини жадал равишда ишлаб чиқариш жараёнини ошириш ва балиқчилик географиясини кенгайтириш, негизини яратиш, табиий сув хавзаларида балиқчиликни ривожлантириш ва тезкорлик билан балиқ маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажмини турли ёшдаги ҳамда хилма хил маданий балиқ турларини купайтириш, сифатли (икра) уруғ етиштириш даражасини купайтириш шартлидир. Қимматбаҳо ишлаб чиқарувчи, ёш таъмирловчи балиқлар галасини шакллантириш ва такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда сотиш зарурияти чамбарчас тимсолида боғлиқдир. Бунинг барчаси доимий равишда сув хавзалари ва ҳовузлар уртисида балиқларнинг ҳажмини купайтириш тушунилади. Халқаро боғланишни кенгайтириш ва ҳамкорлик илмий ишларни

давлатлараро олиб бориш ва балиқчилик тармоғини ривожлантириш учун бутун ер юзи буйича балиқларни транспортировкалаш зарур масала хисобланади. Аҳолини сифатли балиқ махсулоти билан таъминлашда ҳамда тирик балиқларни ташишда эҳтиёжни боғлиқлиги нихоятда катта аҳамиятга эга. Аҳолининг катта бир талабларидан бири тирик балиқларни ташиб етказиб бериш, юқори сифатли пархез озикани таъминлаш транспорт орқали олиб бориш амалда бажарилиши ҳаммага маълум.

Балиқчилик тармоғида транспортировканинг чузилишни ва (пункт) жойининг масофа оралиғи амалда булинади. Булардан хужаликлар ичида ва хужавлдиклараро ташишдир. Хужаликлар ичидаги тирик балиқларни ташиш технологик жараён яъни урчитиш ва устиришда ховуздан ховузга утказиш тушинилади. Айниқса қисқа масофқага товар ва балиқлаштириш материалларини транспортировка қилиш ҳам киради. Хужаликлараро балиқларни ташиш асосий уринда хар хил ёшга мансуб утказувчи балиқларни транспортировкалаш технологик инструкция талаби буйича кузда тутилган. Ветеринария санитария назоратини бажариш кузда тутилмокда.

Ветеринария назорати курсатмасига биноан тирик балиқларни ташиш, балиқларни урчитиш ва иқлимслаштиришга мулжаллаб қуйилади.

1. Ветеринария назорати барча тирик балиқларни ташишни ташкил қилишда хужаликлар ва сув хавзаларни жихозларини ёрдамида амалга оширилади.

2. Тирик балиқлар ва уруғларни темирйўллар орқарли транспортировкалашда керакли барча техник шароитга эътибоан ташиш амалда бажарилади.

3. Хар қандай механик ҳаракатсиз ва танасининг тангичаларини бутун – бутун ва тоза сузгичлари, кузлар жарохатланмаган холда, моғол босмаган танасига ташишга рухсат берилади ва ветеринар назорати томонлама барча ташиладиган балиқлар 5 % ош тузи эритмасида ишлов бериш тавсия этилади.

4. Тирик балиқлар ва оталантирилган (икра) уруғларни ташиш олдидан ветеринария томонлама курсатмасиз ва гувоҳномасизў балиқларни ташиш тақиқланади.

5. Мувофақиятсиз балиқвчилик хужаликларидан (қизамиқ бронхиамикоз, фурункулёз, юқумли анемия ва хон балиқ дисколотелёз) балиқларни таши қатъийян ман қилинади.

6. Талиб даражадаги ишлов берилмаган ва бир неча триходиниёз, хилодонеллёз, дактилогироз А, дактилогиро Б ва гиродактелёз касалликларига чалинган балиқларни тузли ва амиакли

антипаразитор эритма ёрдамида ванналарда курсатмага асосан ишлов берилик кейин ташишга рухсат берилади.

7. Балиқларни постлоз, кокцидиоз, ихтиофтириоз, нитгшиоз, сангвиниколез, диплостоматоз, несскоз, кариофилёз, батриоцефаллёз, лигулёз, писциколёз, лернеоз, оргулёз ва бошқа касалликка чалинган балиқларни фавқат ветеринария бошқармаси рухсат бериши мумкин.

8. Баъзи бир яққол куришиб турган, қорин шиши, тангачаларнинг диккайиши, куз курмаслиги ва ола куз терисида яра булиши, қисман ёки тулиқ жаврасини бузилиши, оқ ёки кулранг жабрани куриниши ва шунга ухшаш тана жарохатларига дучор балиқларни ташишга рухсат берилмайди. Агарда текширув нгатижасида бир бош тирик балиқни юқори такидланган касалликка чалинган булса, бу ҳолда бутун бюир партия балиқларни ташиш қатъиян ман қилинади.

9. Осётр балиқлавридан олинган уруғдан паразит касаллиги аниқланса, жинсий етилмаган балиқлар ташилиши мумкин. Лекин вояга етган балиқларни олиб чиқиш мумкин эмас. Балиқ уруғлари тула тукис назоратдан утказилади.

10. Тирик балиқларни сув транспорти орқали тешик –ремонтларни орқа сув чиқарувдан касалликларни юқтириш ихтимоли юқ эмас. Шунинг учун кемаларда ташиш ман этилади.

11. Мавжуд балиқчилик хужаликларидаги сув хайвонларини оммавий (қисқичбақа ва бошқа бир умуртқасизлар) касаллариниши ва нобуд булиши туфайли, юқумли ва юқумсиз касалланиш сабабли, балиқларни бундай жойландан ташиш ман этилади.

12. Мувофақиятсиз деб топилган балиқчилик хужаликларида устириладиган қисқичбақа ва умуртқасиз сув хайвонлари ҳам касалланганлиги туфайли биргаликда тишиш тақиқланади.

13. Четдан келтирилган, оталантирилган уруғлар, қисқичбақалар, умуртқасиз сув организмлар ва турли хил балиқларни урчитиш ва устириш учун мавсадга мувофиқ курсатмага биноан ветеринария – санитария садбири орқали куриқдан утказилади ва сертификат берилади.

14. Келтирилган балиқлардан агарда кутилмаганда юқумли ва юқумсиз касаллик намоён булгач, уларни алохида буш ховузга утказилади ва шу ховузга карантис эълон қилиниб мутахассислар томонлама касалликларни бартараф этиш тадбири қулланилади.

15. Балиқ билан келтирилган сувни ховузга тукиш мумкин эмас.

16. Балиқларни ташиш усули ва муддати юк жунатувчи томонлама белгиланиб, балиқларнинг ҳолати ва йўл мобайнида назорат қилиш жавобгарлиги ҳам зиммасига юклатилади.

I. Балиқларни ташишдан олдин карпсимон ва усимликхур балиқларни ва уларнинг дурагайлариани ҳам ванналарда 5 % ош тузининг эритмасида 5 минут давомида ишлов берилади.

Турли ёшдаги балиқлар гуруҳ –гуруҳ қилиб маълум бир миқдор тариқасида тузли ваннадаги сув билан навбати билан ишлов берилади.

Стандарт талабидаги балиқлар, шу йиллик бир йиллик таъмирловчи гуруҳ ва ишлаб чиқарувчи балиқларга ишлов бериш лозим. Масалан 5 кг ош тузи натрий хлорга 100 л ҳовуз суви қушилиб тайёрланади. Мунтазам тайёрланаётган эритма тулиқ тузлар эришини кузатиб тайёрланиб сунгра фойдаланишга тавсия этилади. Бу 100 л ваннадаги эритмага 30 кг балиқ миқдори бирданига ишлов берилади. Мана шу тайёрланган эритма ёрдамида 3-4 маротаба фойдаланиш мумкин.

Профилактик ишловга тайинланган балиқларни 5 % шурли қоришмада махсус қумли 5 сонияли вақт улчагич буйича расман 5 сония ушлаб турилади.

Балиқларни ишлов беришдан олдин махсус идишдан (инвентарь) фойдаланилади: брезент кутидан тайёрланган ва қаттиқ жисмдан тайёрланган замбл. Қутининг узунлиги- 100 см, кенлиги -60 см ва баландлиги эса 60 см тенг. Қутининг ён девор қисмига брезент матоси, махсус қисқичлар ёрдамида маҳкамланиб, қутининг ички томонига урнатилади. Бундай қутили ванналарнинг суюқ эритмали ҳажми 0.30-0.32 м³ тенг. Мана шу қутили замбл орқали балиқларни ҳовуздан олиб ванналарда ишлов бергандан кейин тез орада балиқларни ювиб-саралайдиган уртамиёнда оқар сувли қутида 2 соат мобайнида ушлаб турилади. Бундан сунг балиқларни тозаланган (юқумли, юқумсиз) касалликлардан холи булган тоза сувли ҳовузга, бассейнга камида бир суткага утказилади. Сунгра ваннадан кейин ишлов берилган ва енгил фалаждан тузатилган балиқларни ташишга рухсат берилади. Агарда балиқларни яқин масофага ташиладиган булса, у ҳолда брезент қутили ванналарда ишлов берганидан кейин туғридан туғри тирик – балиқлар транспортига юкланади. Балиқ паразитларини йўқ қилиш учун тузли ванналарда ҳовуз сувининг ҳарорати 6-7 дан 15-17⁰ С ишлов берилади. 4-5⁰ С ҳарорат даражасида тузли сувли ваннадаги эритманинг самарадорлиги тушиб кетади ва балиқ паразитлари танасида тирик ҳолда қолиб кетади. Ваннадаги эритманинг ҳарорати 18-19⁰С балиқлар учун хавфлидир, 19⁰ С ёки ундан юқори ҳароратли эритмадан фойдаланиш тақиқланади. Ишлатилган тузли эриммали қоришма паразит ва юқувли ҳовузлардан чека жойларга тукиб юборилади.

Аммиакли ванна балиқларни триадиниаз, хилодонеллёз, диктилогироз А ва Б ҳамда гиродактилёз касалликларини даволаш ва профилактика қилиш мақсадида қўлланилади.

Аммиакли ваннада балиқларга ишлов бериш учун махсус брезентли кутилар қаттиқ жисмдан ишланган замбллар ва қумли 30 секунд ҳамда 1 минутли вақт улчагич, сув термометри ва аммиак олиш учун пипиеткалар зарур бўлади.

Балиқларни ишлов беришда ёғочли ёки эмалланган камида 10 литрли идишлардан фойдаланилади. Шунда 0.1 % аммиак эритмасини 100 л сувда қориштирилиб бирданига 30 кг миқдорида балиқларни ишлоқ берса бўлади ва икки маротаба бу эритмадан фойдаланиш мумкин. Кейин эса эритма яна қайта тайёрланади. Бу аммиакли тайёрланган эритма тукиб ташланиб янада қайта тайёрланади.

Аммиакли ваннада эритманинг харорат даражаси 7°C дан 25°C гача оралиқда булиши керак, агар харорат даражаси ундан ортиқ курсаткичга эга булса эритманинг захарли (моддаси) хусусияти ортиб балиқларга салбий таъсир курсатади. Агарда 7°C хароратидан пасайиб кетса, у холда паразитларга таъсири сустрлашиб тирик қолишига олиб келади. Шундан эритманинг $7-18^{\circ}\text{C}$ с хароратида 1 минут ва $18-25^{\circ}\text{C}$ хароратида эса 0.5 минут ваннада ишлов бериш тавсия қилинади. Лекин аммиакли эритмани тайёрлаб 5 дақиқада ишлоқ берилиши лозим, чунки ундан кечиктириб булмайди, акс холда буғланиш натижасида эритма уз кучини йўқотади. Ишлов беришдан олдин балиқларни тоза сувли ваннада буткил тозалаб чумилтириб, кейин эритмали ваннага ишлов берилади, сунгра аммиакли эритмадан ўз вақти буйича ишлов берилгач балиқларни яна тоза сувга ёки бирданига ховузга қуйиб юборилади. Ишлатилган аммиакли эритмани махсус чека жойга тукиб юборилади.

Маълум бир даражадаги балиқларни транспортировка қилиш уларнинг тахминий тайёргарлигига боғлиқ. Балиқларни (транспортировка) ташишдан олдин уларнинг жабраралари хар хил утлардан, лойдан ва органик ҳамда минерал моддалар қолдиғидан тозаланади ва ичаклар озақадан 4-48 соат мобайнида тулиқ тозаланиб кейин балиқларни ташишга яъни сотувга юборилади. Махсус транспорт воситасига тоза балиқлар устирилаётган сувдан солиб ташиш тавсия қилинади. Баъзи холларда узок масофага ташишда идишнинг сиғимида караб муз ташланиб сувнинг харорати пасайтирилади ва унинг ичидаши балиқлар суст харакатда булиб ташилади. Махсус балиқ ташийдиган транспортлар идишига уган, қудуқ сувларидан сув қуйиб ташиш қатъиян тақиқланади.

Илиқ сувсевар балиқларни ёз ойларида ташиш $10-12^{\circ}\text{C}$ с вуқнинг оптимал даражаси ва совуқсувсевар балиқлар учун $6-8^{\circ}\text{C}$ с харорат даражасини талаб қилади.

Ш. Ускуна ва транспорт воситаларидан бири, автомобил ва тирик балиқлар ташувчи махсус жихозланган, ҳар хил сиғимли катта ёки кичик цистерналардан иборат.

ГАЗ-53 А автомобилига АЦПТ-2,8/53А 2,3 м узунлиги, 1.5 м кенлиги ва 1.1 м баландлиги, 2.6-2.8 м³ сиғимли жихоз яъни ускуналар урнатилади. Бу автоулов цистернасининг ҳаво-колеррессия босими 10 м³/соат тенг. Цистерна аслида пулат жисмдан қурилган булиб қалинлиги 4 мм, (термоизоляция) чарим резинали 45 мм қатлам устидан ёғочли девор қоплами эса яна 1.4 мм пулат жисм билан уралган буладию цистернанинг олдинги яъни бошланғич қисмида махсус керакли нарсалар сақланадиган захира қисмида муз ҳамда чалажон (карахт) балиқлар ҳам сақланади. Бу цистернанинг сиғими 100 кг муз сақлаш учун мулжалланган булиб музнинг ҳажми 200 Х300 мм булаклардан булиши керак. Цистернанинг юқори қисмида иккита изотермик қопқоғи булиб, ҳаво қирмайдиган герметик ёпилиша эга булиши керак.

Махсус В-20 маркали вагонларда катта миқдордаги майда балиқлар, ишлаб чиқарувчи балиқлар ҳамда умурткасизлар озиқа сифатида ташилади. Тирик балиқ ташувчи вагоннинг улчоми қуйидагича: узунлиги 14,1 м, кенлиги -2,9 м, баландлиги -3,1 м тенг булиб, багонга иккита (резервуар) 30 т, бири 13 т иккинчи 17 т идиш урнатилади. Вагондаги сувни аэрациялаш, 120 пуркагич орқали ҳаво босими билан сувни бир неча донатор пуфакчаларга булиб қислород ҳосил қилиб балиқларни таъминланади. Вагонни иситиш учун йўл бошловчи хонасига чуғунли иссиқ ҳаво ёрдамида печка урнатилган булиб, вентелатор орқали иссиқ ҳаво бутун система буйлаб узатилади. Идишларга (резервуар) 20 м³ сув солиб 1 соат мобайнида (форсунка) пуркагичлар орқали ҳаво босим билан юборилиб сувни қислород билан бойитиб ва ундаги хлор моддасидан холи қилиш лозим.

